VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

39-40 (101) 2010 йил 29 сентябрь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz

Депутат ташаббуси билан

Саёҳат гарчи кун бўйи давом этган бўлса-да кексаларимизнинг юзларида чарчоқ аломатлари сезилмади, аксинча, улар ўзларини руҳан тетик ҳис этишди. Бундай саёҳатлар келажакда яна уюштирилишига ишонч билдиришди.

3-бет

Чинда "ўргимчак тўри"

XX асрнинг сўнгги йилларида ихтирочи олим То Бернарс Ли томонидан халқаро ахборот тармоғи – Интернетнинг кашф қилиниши ахборот алмашинуви жараёнига ижобий таъсир кўрсатди.

7-бет

Алла

Алла ўзининг мусиқийлиги, ажиб оҳанги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қўшиқ мусиқасининг бир ритмда давом этиб, вазмин, сокин овозда ижро этилиши фарзандда ҳам шундай хусусиятлар ва характернинг шаклланишига, иродали, қаноатли, сабр-бардошли, оғир ва вазмин инсон бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

8-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

СИЁСАТ 2-бет
Миллий ҳунармандчилик
ПАРТИЯ ҲАЁТИ 3-бет
"Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон"
Тадбирларда ёшлар масалалари устувор бўлди
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
Давлат рамзлари — миллат кўзгуси
МАЪНАВИЯТ 5-бет
"Мутолаа байрами"
Мусиқа мактаби бунёд этилди
Фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни
ЖАРАЁН 6-бет
Ёш мутахассислар
Билим ва маънавият
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Тасодифий кашфиётлар
Дунёдан дараклар
КЎЗГУ 8-бет
«Поль Надар, Туркиядан Туркистонгача, 1890» фотокўргазмаси

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Саодатга элтувчи қудратли куч

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат туйғусини чуқур сингдириш, уларни халқимизнинг бой тарихи, илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб тарбиялаш устувор вазифалардан этиб белгиланган.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг шу йил август ойида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида бу борада амалга оширилаётган ишлар атрофлича таҳлил этилди, келгусидаги долзарб вазифаларни амалга ошириш чоралари белгиланди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ билан ана шулар хусусида суҳбатлашди.

– Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёшларимизни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат-эҳтиром руҳида, бугунги замон талабларига жавоб бера оладиган баркамол инсонлар этиб камолга етказиш борасида доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда, – дейди М.Ҳожиматов.

4-бет

МУНОСАБАТ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини халқаро ва мамлакатимиз жамоатчилиги катта қизиқиш билан кутиб олди.

Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш

йўлидаги янги ғоя ва ташаббуслар

XXI асрда инсоният бир қатор глобал муаммолар билан юзма-юз келди. Бугунги мураккаб замонда инсоният халқаро терроризм, экстремизм, миллатчилик ва йирик экологик таҳдидларга қарши кураш олиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисидаги нутқида халқаро ҳамжамият томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган ана шундай масалалар бўйича бир қатор амалий таклиф ва ташаббусларни илгари сурдилар. Айниқса, ён қўшнимиз Афғонистонда 30 йилдан буён давом этиб келаётган урушга чек қўйиш, ушбу мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тиклаш, ижтимоий гуманитар инфратузилмани вужудга келтириш, одамларни тинч меҳнатга қайтариш бўйича Юртбошимиз ташаббусларига халқаро жамоатчилик алоҳида эътибор билан ёндашмоқда. Аслида Президентимиз 1993 йилдаёқ БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси ва 2000 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Мингйиллик саммитида жаҳон жамоатчилиги эътиборини Афғонистон муаммосига қаратган эдилар.

Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича яна бир ташаббуси Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истанбул саммити минбаридан янграган эди. Давлатимиз раҳбарининг НАТО\СЕАП ташкилотининг Бухарестда ўтган саммитида эса БМТ кўмагида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича "6+2" гуруҳи доирасида олиб борилган музокара жараёнини НАТО иштирокида "6+3" шаклида қайта тиклаш ташаббуси ва Афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини биринчи бўлиб илгари сурганлиги халқаро ҳамжамият томонидан катта қизиқиш билан кутиб олиниб, қўллаб-қувватланган эди.

Бугунги кунга келиб дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича ўтказилаётган кўплаб халқаро анжуманларда бундан икки йил бурун Ўзбекистон раҳбари илгари сурган ғоялар тўғри ва ҳаётий эканлиги тан олинмоқда.

2-бет

2010 ЙИЛ — БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида инсоннинг маънавий камолотига мусиқа санъатисиз эришиб бўлмаслиги, халқимиз ҳаётида азал-азалдан беқиёс ўрин тутиб келган бу санъат наинки миллий, балки умумбашарий маънавиятнинг ажралмас қисми экани таъкидланади: «Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади».

Орган оҳангидаги эзгу орзулар

Инсоннинг борлиқ, ҳаёт, ўз умри ҳақидаги ўйлари, ботиний кечинмалари, тасаввур ва тафаккурида юз бераётган эврилишларни нафис оҳангларда ифодалайдиган мусиқа элларни, дилларни эзгулик йўлида бирлаштиришга қодир. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий ўзининг «Зафарнома» асарида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида «яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажамдан ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди», деб ёзади.

2-бет

АНЖУМАН

Қўлёзмалар — бебаҳо маънавий бойлик

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида қўлёзмаларни таъмирлаш ва нашр этиш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Юртбошимиз ташаббуси билан юртимизда миллий анъана ва қадриятларимизни тиклаш, бебаҳо меросимиздан халқимиз, айниқса, ёшларимиз маънавиятини юксалтиришда кенг фойдаланиш юзасидан улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур анжуманда бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга оид долзарб вазифалар атрофлича муҳокама этилди. Анжуманда сўзга чиққанлар мамлакатимизда маърифий-маънавий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида тарихимизни чуқур ўрганиш, буюк аждодларимизнинг маънавий меросини асраб-авайлаш ва улардан халқимизни баҳраманд этиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлигини алоҳида таъкидлашди.

Анжуманда қўлёзмалар ва тарихий ҳужжатларни сақлаш ва таъмирлаш борасидаги янги технологиялар, Ўзбекистондаги Шарқ қўлёзмалари фондларининг фаолияти, нодир манбаларни таъмирлашга оид ишларни янада такомиллаштириш, уларни каталоглаштириш ва электрон вариантини яратиш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни кучайтиришга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Шунингдек, институтда тарихий китобларга қайта ҳаёт бағишлашдек мураккаб ва масъулиятли жараёнда ҳаттотлик, наққошлик, миниатюра санъатининг анъаналари, усул ва технологиялари фаол қўлланилмоқда. Бу борадаги ишлар ҳажми ва кўлами хорижда ҳам катта қизиқишга сазовор бўлаётганлиги ҳам аҳамиятлидир.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА

МУҲОКАМА

"Ўзбеккино" Миллий агентлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бухоро шаҳрида бунёд этилган "Бухоро маданий маркази" мажмуасидаги вилоят мусиқали драма театрининг янги биносига ташрифи чоғида ижодкорлар билан учрашувда замонавий қаҳрамон образини яратиш бўйича билдирган фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш юзасидан давра суҳбати ташкил этди.

Замонавий қаҳрамон образи

киноасарларда кўнгилдагидек яратилаяптими?

Унда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, кино санъати соҳасидаги ижодий ташкилот вакиллари, ёзувчи, шоирлар, драматурглар, режиссёрлар, санъат йўналишидаги олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

5-бет

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

СИЁСАТ

МУНОСАБАТ

Хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш

йўлидаги янги ғоя ва ташаббуслар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимизнинг хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлари ва БМТ, НАТО, ЕХҲТ, ШҲТ, МДҲ ва бошқа халқаро ташкилотлар анжуманларидаги нутқларини кўздан кечирар эканмиз Афғонистонни халқаро ва минтақавий ташкилотлар ишида фаол иштирокини таъминлаш, бу мамлакатни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга изчил эътибор бериб келаётганликларига шоҳид бўламиз. Ўтган йили Хотира майдонида журналистлар билан суҳбатда давлатимиз раҳбари Афғонистон муаммосига жаҳон жамоатчилиги эътиборини яна бир бор қаратиб, бу можарони фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбарининг ушбу муаммо ечимига қаратилган ва БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида таъкидланган Афғонистон халқи амал қиладиган кўп асрлик анъаналар, урф- одатлар, ислом динининг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарурияти алоҳида аҳамиятга эга.

Энг муҳими, Ўзбекистон ўзининг таклиф ва ғояларини доимо амалий ишлар билан мустаҳкамлаб келмоқда. Чунончи, мамлакатимиз Афғонистонда йўллар, темирйўллар, кўприклар қурилишида фаол иштирок этмоқда. Афғонистонни электр энергияси ва озиқ-овқат билан таъминлашда салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда мамлакат пойтахти Кобул шаҳри Ўзбекистон етказиб бераётган электр энергиядан фойдаланмоқда. Бундай мисолларни бошқа соҳалардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Юртбошимиз БМТ ўз олдига қўйган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш катта аҳамият касб этишини таъкидладилар. Минтақамиз Орол фожиасидек улкан экологик муаммога дуч келиб турибди. Ўтган қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси етти баравар қисқариб, сув ҳажми 13 марта камайгани ва унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиши туфайли денгиз тирик организмлар яшаши учун яроқсиз аҳволга келганлигига Юртбошимиз жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратди. Ана шундай бир шароитда Амударё ва Сирдарёнинг юқори қисмида улкан гидроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган уринишлар экологияга жиддий зарар етказиб, хавфли техноген фалокатларни келтириб чиқариши мумкин.

Бу муаммони ҳал қилиш бўйича кўплаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар тавсия қилаётган кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлишини мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида қайд этди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида БМТ аъзолари сафидан жой олганига атиги 19 йил бўлган бўлса-да, лекин ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсганлигини ҳамда ўртача иш ҳақи 14 баравар ошганлигини, шунингдек, давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётганлигини халқимизнинг истиқлол йилларида эришган ютуғи сифатида тилга олиб ўтдилар. Айниқса, жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан 2008-2009 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари 9 ва 8,1 фоизни ташкил қилганлиги, жорий йилда бу кўрсаткич 8,5 фоиз даражада бўлиши мустақил Ўзбекистон танлаган йўл нақадар тўғри бўлганлигини кўрсатиб турибди.

Ватанимиз миллий манфаатларини ва халқаро масалаларда тутган позициясини ҳимоя қилишни ўз дастурий мақсадларида асосий вазифа сифатида белгилаган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган мажлисидаги нутқида илгари сурилган ташаббусларни қўллаб-қувватлайди ва унинг амалий ижроси бўйича мамлакат раҳбарияти олиб бораётган кенг кўламли ишларда фаол иштирок этади. Партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатлар, ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда фаолларимиз Президентимиз нутқида илгари сурилган ғоя ва мақсадларни кенг омма орасида тарғиб-ташвиқ қилиш, одамларда, айниқса, ёшларда мустақил фикрлаш туйғусини шакллантириш бўйича ўз фаолиятларини янада кучайтирадилар.

Ахтам ТУРСУНОВ,
ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси

Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,
ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари:

— Марказий Осиё минтақасининг тинчлик ва барқарорлиги ҳамон давом этаётган Афғонистон можаросига бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда осойишталикни сақлаш ва "демократик тартибни ўрнатиш" борасидаги иттифоқдош кучларнинг ҳаракатлари жафокаш афғон халқига тинчлик-тотувлик олиб келмади. Мамлакатда қуролли тўқнашувлар ҳамон давом этиши натижасида тинч аҳоли, жумладан болалар ва аёллар нобуд бўлмоқда. Одамлар бор будидан айрилиб, ишсизлар сони ортмоқда. Ушбу вазиятнинг ўзи Ўзбекистон Республикасининг мазкур давлатда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муҳитни соғломлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш зарур деган таклифи ва тутаётган йўли нақадар тўғри эканлигини яна бир бор исботламоқда.

Президентимизнинг афғон юртини пароканда қилаётган асосий муаммо ва уларнинг ечимларига қаратилган таклифлари замирида муҳим, қоларверса ўзига хос бир жиҳат борки, бу ушбу мамлакатда ҳаракат қилаётган ҳар қандай кучлар, аввало, ўша заминда яшаётган халқнинг, миллатнинг асрлар давомида шаклланган анъаналари, урф-одатлари, миллий ва диний қадриятларини ҳурмат қилиш лозимлигидир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, Афғонистонда яшаётган аҳолининг кўп асрлик анъана ва урф-одатлари, жамиятдаги мавжуд диний-ахлоқий қадриятларига алоҳида ҳурмат кўрсатишни муҳим деб ҳисоблайди.

Партиямиз ўз ғоя ва мақсадлари, сайловолди Ҳаракат дастурида хавфсизлик, толерантлик, миллат ва элатлараро тотувлик масалаларига муҳим вазифа сифатида қарайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилмоқда ҳамда уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини эркин амалга оширишда тенг имкониятлар яратилган.

Илҳом АБДУЛЛАЕВ,
ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси

— Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саммити Мингйиллик тараққиёт мақсадларига бағишланган ялпи мажлисдаги нутқида Ўзбекистонда таълим соҳасида эришилган ютуқ ва натижаларга кенг тўхталди.

Дарҳақиқат Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди. Шунингдек, мамлакатимизда 15-24 ёшлилар ўртасида саводхонлик тўлиқ қамраб олинди. Уч босқичли таълим дастури вужудга келтирилди. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалга оширилди. 2009 йилдан бошлаб Ўзбекистонда 12 йиллик мажбурий таълим жорий қилинди.

Ўзбекистон эришган ижтимоий-иқтисодий ютуқларнинг замирида таълим соҳасидаги ислоҳотлар асосий рол ўйнаганлигини алоҳида эътироф этишимиз керак. Чунки Президентимиз раҳбарлигида биринчи навбатда ҳар бир соҳани етук кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу боисдан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири Ўзбекистонда юмшаб ўтди. Бу ютуқлар давлатимиз раҳбари нутқида алоҳида таъкидланди ва кенг жамоатчилик эътиборини тортди.

Таълим тизимида амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотларга, ушбу соҳани малакали кадрлар билан таъминлашга ЎзМТДПдан сайланган барча даражадаги депутатлар, барча бўғиндаги партиямиз ташкилотлари кўмаклашишлари лозимлиги дастурий мақсадларимизда белгиланган. Биз эндиликда айни соҳа ривожига қаратилган амалий фаолиятимизни янада кучайтиришимиз зарур.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

Миллий ҳунармандчилик

уни ривожлантириш ва ёшлар орасида тарғиб қилиш борасидаги ЎзМТДП ташкилотларининг амалий ишлари ўз самарасини бермоқда

ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши "Ҳунармандлар" уюшмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда партия дастурий мақсад ва вазифаларини бажариш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан "Миллий либослар — миллат кўзгуси", "Миллий байрамнинг миллий либослари" мавзуларидаги қатор кўргазмали тадбирларни бунга мисол қилиш мумкин.

Шунингдек, яқинда дўппи тикиш санъатининг 10 дан ортиқ усулларини пухта ўзлаштирган қўлигул ҳунармандларни аниқлаш бўйича иш олиб борилди. Сентябрь ойида ушбу сўровнома натижасига кўра "Миллий ҳунармандчилигимиз — ўзлигимиз даракчиси" мавзуида тадбир ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Куни кеча ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашида Олтинкўл туманидаги қўғирчоқ тикиш усталарининг ўқув-машғулоти ташкил этилди. Ушбу ҳунарни ўрганиш истагида бўлган бир гуруҳ ёшлар ҳунармандлардан миллий қўғирчоқларимиз, уларнинг тасвирий хислатларию қўғирчоқларимизда миллий анъаналаримиз қай тарзда акс эттирилиши ҳақида кенг тушунча олдилар. Тадбирда кичик кўргазма ташкил қилиниб, миллий либослар билан безатилган миллий қўғирчоқларимиз тўғрисида фикр юритилди.

Шунингдек, яқинда Андижон шаҳри Чўлпон кинотеатри биносида ўтказилган ёш ҳунармандлар кўргазмасида ҳам қўл ишлари намойиш этилди. Унда иштирок этган ёш ҳунармандлар ЎзМТДП Андижон вилоят кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Улар билан биргаликда зардўзлик, каштачилик тўгараклари ташкил этишда ҳамкорликни йўлга қўйиш режалаштирилди.

Камола АБДУВАЛИЕВА,
ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси

2010 ЙИЛ – БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ

Орган оҳангидаги эзгу орзулар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президент Ислом Каримов раҳбарлигида аждодларимизнинг ана шундай эзгу анъаналарини муносиб давом эттириш ва миллий мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари истиқлол байрамининг ўн тўққиз йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган таълим муассасалари, хусусан, В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг капитал реконструкция қилинган янги биноси билан танишар экан, ўқув жараёнида фойдаланиладиган ноёб мусиқа асбоби – орган ва унинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди.

Аэрофон синфидаги энг дастлабки ва катта дамли клавишли мусиқа чолғу асбоби бўлмиш орган юнонистонлик муҳандис Ктесибий томонидан милоддан аввалги III асрда кашф этилган. Одатда ёғоч ва металлдан ясалган орган даставвал жанговар вазиятларда кенг фойдаланилгани учун ҳам лотинча «organum», яъни, қурол, деб номланган. Органнинг қадимги Юнонистон, Рим ва Византияда ҳатто олтин ва кумушдан ишлангани унинг хос санъатга дахлдор чолғу асбоби бўлганидан далолатдир. Турли ўлчамдаги найлар тўпламидан, пневматик тизим (ҳаво ҳайдовчи қурилма ва ҳаво ўтказгичлар)дан ва бошқариш минбаридан иборат органда қўл билан босиладиган мануаллар ва оёқ билан бошқариладиган педаллар орқали куй ҳосил қилинади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ёзилишича, мазкур чолғу асбоби арған ёки арғанун номи билан Шарқ халқлари мусиқа амалиётида эрамиздан олдинги даврда ҳам маълум бўлган. Қомусчи олимлар Бану Мусо бин Шокир ва Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий асарларида қайд этилишича, арғанун бир неча қорамол терисидан тайёрланган учта меш ва уларга бириктирилувчи 12 тадан 40 тагача бўлган йўғон-ингичка мис найлардан таркиб топган. Пневматик арғанда мешларга ҳаво бир неча киши ёрдамида пуфлаб киритилган, механик арғанунда сув босими ёрдамидаги ҳаводан садо ҳосил қилинган.

Арғанун XIII-XV асрларда Европада босқичма-босқич такомиллаштирилиб, ҳозирги кўринишига келтирилган.

Форобий, Ал-Исфаҳоний, Абу Али ибн Сино, Дарвешали Чангий, Хуррав Деҳлавий, Алишер Навоий сингари буюк мутафаккирларнинг асарларида арғанун мусиқасидаги эстетик қувват, таъсир имкониятлари ва инсонга берадиган маънавий озуқаси юксак таърифланган.

– Асосан, якканавоз мусиқа асбоби бўлган орган ижрочининг бутун борлиғи ҳаракатда бўлишини талаб қилади, – дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси махсус фортепиано ва орган кафедраси доценти Мунира Аминова. – Машҳур композитор Моцарт «орган – чолғу асбобларининг қироли», дейди. Чиндан ҳам дунёда иккита бир хил орган йўқ. Чунки у кўриниш ва тузилиш жиҳатдан махсус хонага мослаб қурилади, уни бир жойдан иккинчи жойга кўчиришнинг иложи йўқ. Хонанинг ўзига хослигига қараб, битта тембрга қарашли ҳар хил ўлчамдаги найлар қатори, яъни регистрлар 10 дан 264 гача бўлиши мумкин. Орган билан хона иккаласи яхлит композиция ҳосил қилади.

Универсал чолғу асбоби ва бутун бошли оркестр бўлмиш органнинг ҳар бир мануали ўзига хос мустақил садога эга. Айни пайтда мануалларнинг барчаси бир-бирини тўлдиради, ягона ансамблни ташкил қилади. Ижрочи қўл билан клавишларни босар экан, шунга мос тарзда оёқ билан педалларни ҳам ҳаракатга келтириши, мусиқий бутунликни таъминлаши шарт.

Юртимизда бугун учта орган мавжуд. В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейидаги орган 1974 йили германиялик мутахассислар томонидан ўрнатилган. У 26 регистрли, 2 мануал ва педалдан, 3 мингча найдан иборат.

Георгий Мушел, Тўлқин Қурбонов, Мустафо Бафоев, Ҳабибулло Раҳимов, Фелекс ва Дмитрий Янов-Яновскийлар, Муҳаммаджон Отажонов сингари ўзбек композиторлари орган учун махсус мусиқа асарлари ёзишган. Г.Мушелнинг «Навоий хотирасига», Ҳ.Раҳимовнинг «Шодиёна», М.Отажоновнинг сегоҳ куйларига асосланиб ёзган «Орган учун поэма» асарлари шулар жумласидандир. Таниқли бастакор М.Бафоев эса орган учун «Шашмақом»нинг «Бузрук» мақомига назира ёзди.

– Бу асарим «Тасниф», «Сарахбор», «Тарона», деб номланган уч қисмдан иборат, – дейди Ўзбекистон санъат арбоби М.Бафоев. – Тўғри, булар тажриба, холос. «Шашмақом»нинг қолган қисмларини ҳам орган учун ёзиш ва дунё узра ижро этилганини кўриш – энг катта орзум. Миллий куйларимизни органда ижро этиб, бутун дунёга намоён қилишимиз зарур.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мусиқий таълимни сифат жиҳатдан юксак босқичга олиб чиқиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни жаҳон мусиқа санъатидан баҳраманд қилиш воситасида уларнинг онги ва қалбида маънавий иммунитетни ҳосил этиш ва мустаҳкамлаш йўлида кенг кўламли ва изчил ишлар амалга оширилаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистон давлат консерваторияси биносида 2006 йил 11 ноябрда Орган концерт залининг очилгани бунинг ёрқин далилидир. Германиянинг "Solimpex e.K. Eisenbrth" фирмасида тайёрланган мазкур орган мусиқа чолғуси 42 регистрли, 3 мануал, педал ва 5 мингга яқин найдан иборат.

Бугун В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ва Ўзбекистон давлат консерваториясида орган синфи муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўзбекистон давлат консерваториясининг махсус фортепиано факультетида таҳсил олаётган пианиночилар орасидан энг қобилиятлилари орган ижрочилигига танлаб олинади.

Тошкентлик Тамилла Саримсоқова 7 ёшидан бошлаб фортепиано мусиқаси билан шуғулланади. Ҳозир 16 ёшни қаршилаган бу қиз В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 2-босқичида таниқли орган ижрочиси Мунира Аминова раҳбарлигида орган сирларини ўрганмоқда. Айни пайтда, у мамлакатимиздаги энг ёш орган ижрочиларидан биридир.

– Органнинг кўриниши, кенг имкониятлари ва мусиқаси менга жуда ёқади, – дейди Тамилла. – Ўзбек композиторларидан Георгий Мушелнинг «Баллада», Феликс Яновнинг «Idei fixs», мумтоз композиторлардан Иоганн Себастьян Бахнинг «Прелюдия ва фуга», «Фуга си», «Токката та фуга», Цезар Франкнинг «Фантазия» асарларини мароқ билан ижро этаман. Мақсадим – аввало, орган бўйича етук мутахассис ва профессионал ижрочи бўлиш, сўнг миллий куйларимизни ҳам бутун дунё узра органда ижро этишдир.

Изчил ривожланаётган мусиқа санъатимиз инсон камолоти, биринчи навбатда, ёшларимиз онги, диди, дунёқараши, тасаввури ва тафаккури юксалиши йўлида хизмат қилмоқда. Зотан, Юртбошимиз таъкидлаганидек, «фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин».

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЗИЁРАТ

Депутат ташаббуси билан

муқаддас қадамжоларга зиёрат уюштирилди

Кексаларни қадрлаш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш, дуосини олиш халқимизга хос бўлган азалий қадриятлардан саналади. Буни яқинда ЎзМТДП Юнусобод туман кенгаши томонидан "Нуроний" жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида "Кексалар дуоси — баркамол авлод йўлини ёритувчи тафаккур машъали" мавзусида ўзига хос бир тарзда ўтказилган тадбир мисолида ҳам кўришимиз мумкин.



Умурзоқ ҲАМДАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Унда тумандаги бир гуруҳ меҳнат фахрийлари ва уруш қатнашчилари пойтахтдаги бир қатор тарихий жойлар ва маданий ёдгорликларни зиёрат қилишди. Саёҳатчилар, дастлаб, 2007 йилда Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуасида бўлишиб, XVI асрда бунёд этилган Қаффол Шоший мақбарасини зиёрат қилишди.

- Пойтахтимизда бундай муборак жойларнинг обод бўлаётгани, тарихимиз қайта тикланаётганини кўриб шукроналар келтирасан,- дейди нуроний отахон Ибодуллахўжа Бўронхўжаев. - Биз авваллари ушбу муқаддас заминдан жуда кўп улуғ уламолар, олимлар ўтганини билардик, аммо буюк аждодларимиз ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўла олмаганмиз, уларни зиёрат қилишга эса имконият ҳам, шароит ҳам бўлмаган. Мустақиллик шарофати билан мана шундай қадамжоларимиз обод, аждодларимизнинг пок руҳлари эса шод бўлди.

- Ҳа, албатта,- дея таъкидлади суҳбатга қўшилган отахонлардан бири Шавкат Мамашоипов. - Мустақиллик бизга бебаҳо неъматларни берди. Бу ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида акс этиб турибди. Биз кекса авлод вакиллари эса Президентимиз раҳнамолигида ота-боболаримиз томонидан барпо этилган тарихий обидаларни қайта тиклаш, асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлардан, қолаверса, биз кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан мамнунмиз. Кези келганда айтиш керакки, буларнинг барчаси юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осойишта ҳаётнинг мевасидир.

Фахрийлар зиёрат чоғида Ҳазрати Усмон Мусҳафи музейи, Бароқхон мадрасаси ва Тилла Шайх масжидида ҳам бўлишди. У ерда халқимизнинг бой маданий мероси ҳисобланган, миллий қадриятларимизни ўзида акс эттирган ҳунармандчилик намуналаридан ҳам баҳраманд бўлдилар.

- Пойтахтда туғилиб, яшаб шундай муқаддас қадамжоларни кўрмаган эканман,- дейди 70 ёшли зиёратчи Рафижон Ниёзов. - Бугун бу ерда нафақат ватандошларимиз балки, хорижий давлатлардан ҳам келган минглаб сайёҳларни кўриб ҳам ғурурландим, ҳам умримнинг энг қадрли дамларида мана шундай табаррук жойларни зиёрат қилмаганимга ўзимданўзим хафа бўлиб кетдим. Фурсатдан фойдаланиб, зиёрат учун бизга шарт-шароит яратиб бериб, савоб ишга қўл урган тадбир ташкилотчиларига, саховатли инсонларимизнинг юзларида чарчоқ аломатлари сезилмади, аксинча, улар ўзларини руҳан тетик ҳис этишди. Бундай саёҳатлар келажакда яна уюштирилишига ишонч билдиришди.

- Ноанъанавий тарзда ўтказилган тадбир партиямиз сайловолди ҳаракат дастуридан келиб чиққан ҳолда ташкил этилди,- деди ЎзМТДП Юнусобод туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Д.Сафаров. - Қолаверса, партиямиз кексаларга саховат ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби халқимизнинг азалий қадриятларини давом эттиришни дастурий мақсади, деб билади.

Тадбир сўнггида нуронийлар бир пиёла чойга таклиф этилди.

ЎзМТДП ХРОНИКАСИ

Тадбирларда ёшлар масалалари устувор бўлди

БУХОРО

ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши томонидан "Баркамол авлод тарбиясига барчамиз масъулмиз" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда тумандаги 10-мактаб директори О.Асадов сўзга чиқиб, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг бошқа соҳалар каби таълим йўналишида ҳам изчил ислоҳотлар амалга оширилгани, ёшларнинг замонавий билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари, ўз иқтидор ва имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитлар яратилгани хусусида гапирди.

- Барчамизга маълумки, баркамол авлод тарбияси, уларнинг маънавий оламини юксалтиришга давлатимиз, хусусан, Президентимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда,- деди ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Т.Ёқубов. - Ана шундай эътибордан келиб чиқиб, ота-боболаримиз қолдирган бой маънавий мерос, халқимизнинг гўзал урф-одат ва қадриятларига таянган ҳолда ёшларни маънан етук, жисмонан соғлом қилиб тарбиялашни ЎзМТДП ўзининг асосий вазифаси, деб билади.

Шунингдек, тадбирда ЎзМТДП Вобкент туман кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси У.Эргашев, "Вобкент ҳаёти" газетаси бош муҳаррири Ў.Истатов мавзу юзасидан маъруза қилишди.

Суҳбат давомида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

ЖИЗЗАХ

ЎзМТДП Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туман кенгашлари ҳамда Дўстлик туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида Дўстлик футбол ўйингоҳида 2010 йил "Баркамол авлод йили" муносабати билан "Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур" шиори остида спортнинг миллий кураш тури бўйича мусобақа ўтказилди. Унда ҳар уччала тумандан жами 34 нафар ёшлар турли вазнлар бўйича беллашдилар. Қизғин ва муросасиз руҳда ўтган мусобақа якунида ғолиб бўлган спортчилар ЎзМТДП туман кенгашининг эсдалик совғалари ҳамда I, II, III даражали диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Тадбирда сўз олганлар бу каби мусобақаларнинг ташкил этилиши ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини кучайтиришда, шу орқали уларни миллий спорт ўйинларига кенгроқ жалб қилишда яхши самара беришини таъкидладилар.

* * *

ЎзМТДП Арнасой туман кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан "Энг фаол ёшлар" кўрик-танлови ташкил этилди. Тадбирда ЎзМТДП туман кенгаши аъзолари, "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши вакиллари ҳамда бир гуруҳ ёшлар иштирок этдилар.

Унда ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Нарзуллаев, "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши раҳбари Х.Қаршиев сўзга чиқиб тадбирнинг аҳамияти ҳақида фикр билдиришди.

Танлов якунида ғолиблар аниқланиб, биринчи ўринга энг фаол иштирокчи Бахтиёр Абдусаттаров муносиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни Бекзод Жўраев ҳамда Бобур Нарзуллаевлар эгаллашди.

ФАРҒОНА

ЎзМТДП вилоят кенгашида "Ёшлар қаноти" етакчилари иштирокида "Етакчилар фаолияти: тажриба ва муаммолар" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

- Вилоятдаги барча бўғиндаги партия ташкилотларида ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш борасида маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий йўналишларда бир қатор тадбирлар ташкил этдик,- деди ЎзМТДП вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси М.Жўраева. - Бунинг натижаси ўлароқ, сафимиз йилдан-йилга иқтидорли, сиёсий билим ва кўникмага эга ёшлар билан кўпаймоқда. Лекин айрим тумандаги "Ёшлар қаноти" раҳбарлари фаолиятида ташаббускорлик, етакчилик каби жиҳатларнинг етишмаётгани кўзга ташланмоқда.

Тадбир давомида мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашилди.

* * *

ЎзМТДП Олтиариқ туман кенгаши "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" мавзусида халқимизнинг бой тарихи ва ўтмиш меросининг бугунги ҳаётимиздаги аҳамияти хусусида ёшлар билан учрашув ўтказди. Унда ЎзМТДП туман кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари, партиянинг "Ёшлар қаноти" етакчилари ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ходимлари мавзу юзасидан фикр алмашдилар.

ЎзМТДП
Ахборот хизмати

ТАДБИР

"Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон"

шиори остида ЎзМТДПнинг ҳудудий кенгашлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар давом этмоқда

ЎзМТДП
Ахборот хизмати

Мустақиллик, Президентимиз таъбири билан айтганда, биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу интилишимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам энг улуғ, энг азиз неъмат - мустақилликка мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим тарихий воқеа, шунинг билан бирга халқимиз эришган энг юксак миллий қадрият сифатида қарайди. Шунингдек, ЎзМТДП ўз фаолиятида мустақилликни мустаҳкамлаш, уни асраб-авайлашдек эзгу ишларга бутун халқимизни сафарбар қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ўтиб бораётган 2010 йилда ҳам партиянинг марказий ва ҳудудий кенгашларида "Бу муқаддас ватанда азиздир инсон" шиори остида қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши томонидан вилоят ўсма касалликлари диспансерида ўтказилди.

Унда ЎзМТДП Хоразм вилоят ва Урганч шаҳар Кенгашлари аъзолари, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар кенгашлари депутатлари, шаҳар ҳокимлиги ҳамда ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Халқ депутати Урганч шаҳар кенгаши депутати Б.Жуманиёзов тадбирни очаркан, юртимизнинг барча ҳудудлари қаторида Урганч шаҳрида ҳам олиб борилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ва ушбу эзгу амалларга ЎзМТДПнинг қўшаётган ҳиссаси ҳақида гапирди.

— Шу ўтган давр мобайнида барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритилган улкан марралар, ютуқ ва натижаларимиз моҳияти, аҳамияти ва қадр-қимматини теран идрок этиш, уни эл-юртимиз, айниқса ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш ЎзМТДП ва депутатлар зиммасига катта масъулият юклайди. Ёш авлод онгига миллий анъаналарга ҳурмат ва бунёдкорлик ғояларини сингдириш, уларни умуминсоний қадриятларга ёт бўлган ғоялардан асраб-авайлаш шулар жумласидандир.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар юртимиз мустақилликка эришишининг тарихий аҳамияти, халқимиз матонати ва фидокорона меҳнати орқали бунёд бўлаётган Ватанимиз келажаги, давлатимиз раҳбари бошчилигида баркамол авлодни тарбиялаш масаласида олиб борилаётган сиёсат ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимизни қайта тиклаш, аждодларимиз мероси бўлган моддий ва маданий бойликларни асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга кенг тўхталдилар.

Давра суҳбати иштирокчиларнинг "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг жойлардаги ижроси ҳақидаги қизғин баҳс-мунозаралари, фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари билан якунланди.

ЎзМТДП "ЁШЛАР ҚАНОТИ"

Ўқув-семинар

ёш етакчиларнинг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилди

Аввал хабар қилганимиздек, жорий йилнинг август ойида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти"нинг II Республика конференцияси бўлиб ўтган эди. Ушбу конференцияда белгиланган вазифалар айни пайтда "Ёшлар қаноти" томонидан жойларда ташкил этилаётган тадбирларда ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Жумладан, куни кеча ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан "ЎзМТДП фаолиятини янада кучайтиришда ёшларнинг ўрни ва роли" мавзусида ўтказилган ўқув-семинари ҳам ана шу мақсадга қаратилди.

Аброр УМАРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзолари, ЎзМТДП вилоят, туман, шаҳар кенгашларидаги "Ёшлар қаноти" етакчилари, Экоҳаракатнинг ушбу ҳудуддаги ташкилоти ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этиб, ўз маъруза ва тақдимотлари билан қатнашдилар.

Самарқанд туманидаги "Алпомиш" оромгоҳида бўлиб ўтган ўқув-семинарга ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Аловуддин Умаров модераторлик қилди.

Интерфаол услубда уч кун давом этган машғулотларнинг дастлабки кунида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг фаолияти, улардаги мавжуд қўмиталар ҳамда партиялар фракциялари", "Партия ғоя, мақсад ва мафкурасини ёшлар ўртасида тарғибот қилишнинг долзарб вазифалари" ҳамда "Бугунги кунда Оролбўйи муаммолари ва бу борада Экоҳаракатнинг олиб бораётган фаолияти" мавзуларида маърузалар тингланди. Ҳар бир мавзу юзасидан баҳс-мунозаралар уюштирилиб, ёшларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Жумладан, ЎзМТДП вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси З.Темирбулатова ёш етакчилар фаолиятидаги ютуқ ва камчиликлар ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар бўйича чиқиш қилди. Қатор таклиф ва мулоҳазалардан сўнг етакчилар куннинг иккинчи ярмида "Ёш сиёсий билимдонлар" клубини ташкил этиш ва унинг фаолиятини олиб бориш бўйича иш режасини ишлаб чиқдилар. Шундан сўнг ёшлар дам олиб ҳордиқ чиқаришлари учун маданий тадбирлар уюштирилди.

Семинарнинг иккинчи кунида эса етакчилар бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантиришга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқиш, расмий ҳужжатлар ва улардан фойдаланиш қоидаларини ўрганиш, ёшлар билан жойларда турли йўналишларда тадбирлар ташкил этиш, ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлиги ошириш ва PR тушунчаси ҳамда кенг омма орасида тарғибот ишларини уюштириш бўйича билим ва кўникмага эга бўлдилар.

Ҳар бир маърузадан сўнг ўтказилган энержайзер (диққатни тўплаш) машқлари иштирокчиларга мавзуни мукаммал ўзлаштиришда катта ёрдам берди. Фид-бек, яъни семинарнинг кун якуни қисмида иштирокчиларнинг кун давомида эшитган маърузалари ҳамда амалий машғулотлар юзасидан хулосалари тинглаб борилди. Бу борада эришилган натижалар рағбатлантирилиб, камчиликлар танқид қилинди.

Семинарда юзага келган баҳс ва мунозаралар ёш кадрларни, жумладан, "Ёшлар қаноти"нинг етакчилари ва ҳудудий партия ташкилотлари мутахассисларининг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш лозимлигини кўрсатди. Шунингдек, ўқув-семинарда жойларда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг боришини аҳолига етказиш, тадбирлар учун мавзу танлаш, жамоатчилик фикрини фаол шакллантира олиш бевосита ёш кадрларнинг етакчилик маҳорати ва қобилиятига боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди. Муҳим саналарга бағишланган тадбирлар ташкил қилиш ва ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқиш қоидаларининг замонавий усуллари бўйича ўказилган машғулотлар семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ўқув-семинарнинг сўнгги кунида турли маданий дастурлар ҳамда гуруҳларнинг тақдимотлари намойиш этилди.

Ёшлар фикр-мулоҳазаларидан шу нарса маълум бўлдики, мазкур семинар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаолияти янада жонланиши ва иш самарадорлигининг ортишига ижобий таъсирини ўтказади.

Фарангиза РАЗЗОҚОВА,
ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" аъзоси:

— Ўқув-семинарнинг интерфаол шаклда ташкил этилгани, гуруҳлар билан ишлаш жараёнида ташаббускор ёшлар сафининг кенгайгани ва машғулотларда фаолиятимизни такомиллаштиришга қаратилган қатор лойиҳаларнинг ишлаб чиқилганлиги тадбирнинг ютуғи, дейиш мумкин. Айниқса, "Ёш ташаббусчилар гуруҳи"нинг чекка қишлоқлардаги БПТлар фаолиятини ёшлар орқали жонлантириш бўйича лойиҳаси ҳамда жойлардаги ёшларнинг бўш вақтини фойдали ишларга сарфлаш борасида тузган чора-тадбирлари барчага манзур бўлди.

Асосийси бу ердан ўрганган билим ва тажрибаларимизни албатта келгуси фаолиятимизга татбиқ қилишимиз лозим.

Ғанишер РАҲМОНОВ,
ЎзМТДП Ургут туман кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси:

— Мазкур тадбир биз каби ёшларнинг етакчилик маҳоратини шакллантириш, ривожлантириш ҳамда сиёсий билимларимизни янада оширишга қаратилганлиги билан кейинги фаолиятимизда ғоят аҳамиятлидир. Ўқув-семинарда партиямиз ғоясини тенгқурларимиз орасида кенг тарғиб қилиш, ёшлар билан ишлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирокини жонлаштиришнинг янгича механизмларини ўргандик. Шу билан бирга бу борада партиянинг туман, шаҳар ташкилотларидаги "Ёшлар қаноти" етакчилари ўзаро тажриба алмашдилар. Хусусан, мен тадбир орқали тенгдошларимнинг амалга ошираётган ишлари тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлдим.

Ўйлайманки, мазкур семинар нафақат келгусидаги фаолиятимиз, балки келажакда давлат бошқарувидаги вазифаларни эгаллашимиз учун ҳам зарур кўникмаларни берди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Саодатга элтувчи қудратли куч

(Давоми. Боши 1-бетда)

– Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари бу борада биз, маънавият тарғиботчилари учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур асарда маънавиятнинг маъно-мазмуни, инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳар томонлама таҳлил этилган: "Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир".

Китобда бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавий соҳадаги долзарб муаммолар, миллий маънавиятни асраш ва юксалтириш, айниқса, ёш авлод қалби ва онгини зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш лозимлиги яна бир карра таъкидланади: «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча - қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақлидрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади».

Юртбошимиз таъкидлаганидек, маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши мумкин. Бунга дунёдаги қатор давлатлар, жумладан, ён-атрофимиздаги мамлакатларда содир бўлган айрим воқеалар мисолида ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Инсон қалби ва онги учун кураш, ахборот хуружлари ушбу масалада бир зум ҳам хотиржамликка берилиш мумкин эмаслигини кўрсатмоқда.

– Маънавий таҳдидларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш самарадорлиги, аввалбор бу иллатларнинг мазмун-моҳияти, мақсади, шакли ҳамда услуб ва воситаларини фош этиш ва ўрганишга боғлиқ. Бу йўналишда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Дарҳақиқат, зарарли, ёт ғоялар таъсирини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш энг муҳим вазифалардан бири саналади. Зеро, касалликнинг манбаси, келиб чиқиш сабаблари, белгиларини билмасдан туриб, унга қарши курашиб бўлмайди, хасталикка даво топиш мумкин эмас. Сиртдан қараганда арзимасдай туюлган иллат эртага катта маънавий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Бугун маънавий таҳдидларни ёмон дейиш билангина иш битмайди. Унинг моҳиятини, шакли ва воситаларини, ортида турган кучлар, марказлар мақсадини фош этиш лозим.

Маънавий таҳдидларнинг турларига эътибор беринг: дин ниқобидаги ақидапарастлик, эътиқод қалъаларини емиришга қаратилган миссионерлик, "оммавий маданият" моҳиятидаги ахлоқсизлик, маданиятсизликни маданият деб сингдиришга уринишлар... Бундан ташқари ёшларни ўз гирдобига тортишга уринаётган эгоцентризм, гедонизм ғоялари, ёвузлик, ахлоқсизлик, фаҳш, зўравонликни тарғиб қилувчи хорижий кино, мультфильмлар, китоб, газета ва журналлар, кийимкечак ва қўғирчоқлар... Ҳатто мобиль телефонлардан ҳам беҳаё суратлар ва даъватларни тарғиб қилувчи восита сифатида фойдаланилмоқда.

Жорий йилнинг январь-август ойлари давомида давлат божхона органлари томонидан 738 ҳолатда миллий маънавиятимизга зид бузғунчи ғоялар, шафқатсизлик ва зўравонликни, фаҳш ва ахлоқсизлик, диний экстремизмни тарғиб қилувчи 5000 дан зиёд нашр, видео, аудио ва бошқа материаллар мамлакатимизга олиб кирилаётганида қўлга олинган.

Миллий ва диний томирларимизни қуритишга интиладиган, миллатнинг ахлоқ-одоб, оила борасидаги асрий қадриятларига жиддий хавф соладиган бундай ғаразли кучлар дунёнинг қатор давлатларида турли йўналишда таълим бериш, тил ўргатиш, гоҳо инсонпарварлик ёрдамларини уюштириш борасидаги шиорлар остида маънавий қўпорувчилик билан шуғулланиб келаётгани ҳам ҳақиқат.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан бу борада «Маънавий таҳдидлар ва уларнинг зарарли оқибатлари», «Ахборот хуружи», «Дин ниқобидаги таҳдид», «Гибрид олмадан... гибрид одамгача ёхуд «оммавий маданият» ниқоби остидаги ғаразли мақсадлар ҳақида», «Демократия ниқобидаги таҳдидлар», «Кино санъати ва ёшлар маънавияти», «Интернет:ғоявий вирусдан эҳтиёт бўлинг» каби бир қатор рисолалар тайёрланди.

Маънавиятга қарши қаратилган таҳдидлар ўз қиёфасини тез ўзгартирмоқда. Замонавий илм-фан, юксак технологиялар ютуқларидан устамонлик билан фойдаланмоқда. Шу сабабли улар қандай ниқобда, қайси шаклда пайдо бўлмасин, бундай тажовузлар моҳиятини муросасиз фош этиш, маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни янада кучайтириш долзарб вазифаларимиздандир.

Маънавий-маърифий ва ғоявий-мафкуравий соҳадаги ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, аҳоли, хусусан, ёшларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш юзасидан Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, боланинг онги 5-7 ёшда шаклланади, инсон умри давомида оладиган барча ахборотнинг тахминан 70 фоизини 5 ёшга қадар олади. Демак, инсон жамият ҳаётида муваффақиятли иштирок этиши учун зарур билим, фикр, қарашлар ва ижобий хатти-ҳаракатлар моделини шакллантиришда оила асосий ўрин тутади. Шунинг учун ёшларни оиласий ҳаётга тайёрлаш, аҳоли репродуктив саломатлигини яхшилаш, ОИТС, гиёҳвандликнинг олдини олиш, оиладаги маънавий муҳитни барқарорлаштириш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар мунтазам ўтказилмоқда, рисола ва буклетлар нашр этилиб, тарқатилмоқда.

– Биз юксак маънавиятга, буюк маданиятга эга халқмиз. Аждодларимиз қолдирган улкан маънавий мерос, улар яратган асарлар инсонни комилликка, гўзал ахлоқий фазилатларга ундайди. Ана шу бой мерос маънавият соҳасидаги ишларимизда қандай ўрин тутади ва бундан қай даражада самарали фойдалана олаяпмиз?

– Ишларимиз маънавиятини юксалтиришда бой тарихимиз, анъана ва қадриятларимиз, тарихий ёдгорликларимизнинг аҳамиятини кенг тушунтириш, тарғиб этиш жуда муҳим. Бу йўналишда маҳаллаларимизда «Маънавият соати» машғулоти, давра суҳбатлари, турли кўрик-танловлар ташкил этилмоқда.

Юртимизда инсон қадр-қиммати улуғловчи янгиланиш ва ўзгаришлар моҳиятини ҳаётий мисоллар орқали очиб бериш, миллий манфаатларимизга қарши қаратилган хуружларга нисбатан таъсирчан тарғибот воситаларини қўллашда марказимиз томонидан ижодкор ва зиёлилар, олим ва сиёсатчилар билан ҳамкорликда кенг жамоатчилик иштирокида талай ишлар қилинмоқда. Жумладан, ҳудудлардаги мавжуд муаммолар, ёт ғоялар таъсири, маънавий-маърифий ишлар аҳволи атрофлича ўрганиб борилмоқда. Мамлакатимиздаги марказий муассасалар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик кучайтирилмоқда. Улар тизимида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ривожлантиришга ёрдам берадиган услубий тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Республика маънавият тарғибот маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари жорий йилнинг биринчи ярмида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳолининг турли қатламлари ўртасида минглаб учрашув, давра суҳбатлари ва бошқа маънавий-маърифий тадбирлар ўтказди.

Маънавият тарғиботчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, қўлга киритилаётган ижобий тажриба ва ташаббусларни кенг ёйиш мақсадида "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танлови ўтказиб келинаётир.

Марказимиз ҳузуридаги "Маънавият тарғиботчиси" малака ошириш курсида жорий йилнинг биринчи ярмида уч юздан ортиқ масъул ходим ўз малакасини оширди. Мазкур курсларда нафақат Республика Маънавият тарғибот маркази ходимлари, унинг туман, шаҳар бўлими раҳбарлари, балки бошқа тузилмаларнинг маънавий-маърифий ишлар учун масъул ходимлари ҳам қайта тайёрланди.

Бу борадаги ишлар таъсирчанлигини оширишда замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан кенг фойдаланилмоқда. Президентимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асарини видеолавҳалар билан бойитилган дисклари кўпайтирилиб, марказнинг ҳудудий бўлимларига етказилди. "Ўзбеккино" миллий агентлиги томонидан яратилган Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий-маънавий, ҳуқуқий ва бошқа соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар акс эттирилган, одамларимизни огоҳликка чорловчи, маънавий таҳдидлар моҳиятидан хабардор этувчи туркум фильмлар тўпламлари ҳам маънавият тарғиботчилари ишида қўл келаётир.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, тегишли вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида "Қатъий эътиқод ва қарашларга эга, маънавий таҳдидларга ва четдан кўрсатиладиган таъсирларга қарши туришга қодир ёшларни тарбиялашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури" ишлаб чиқилди ҳамда унинг ижроси таъминланмоқда.

– Тўй-ҳашамлар, оилавий маросимлар ва бошқа урф-одатлар миллий қадриятларимиз, маънавиятимизнинг ажралмас бўлагидир. Аммо тўйлар, турли маърака ва маросимларни ўтказишда дабдабабозлик, исрофгарчиликка йўл қўйиш, эл-юрт одатлари ва анъаналарини менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш каби салбий ҳолатлар ҳамон барҳам топгани йўқ. Бугун баъзи жойларда саховат ишлари ўрнини исрофгарчилик томошалари эгалламоқда.

Бундай сохта хўжакўрсинчилик ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда, жамоатчилигимизнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

– Ҳақиқатан ҳам, тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимларни миллий, умуминсоний қадриятлар ҳамда бугунги кун талабларига мос ҳолда тартибли, ихчам ўтказиш, ортиқча сарф-харажат ва исрофгарчиликларга йўл қўймаслик мақсадида тушунтириш ишлари олиб борилаётганига қарамасдан, жойларда бу борадаги ишлар ҳали тўла тартибга тушгани йўқ.

Оилавий шарт-шароити, иқтисодий аҳволини ҳисобга олмай, кимўзарга берилиб, топганини тўйда совураётганлар бор. Энг ёмони, тўйида қанча ош дамлангани, неча шиша ичкилик ичилганини кўз-кўз қилишдек хунук одатлар барҳам топгани йўқ. Тўйларга санъаткорларнинг кетма-кет келиши, қўшиқ айтиш учун навбат талашиши, қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-сурон тўйга келган меҳмонларнинг ғашига тегмоқда, жамиятимиздаги соғлом муҳитга таҳдид солмоқда. Айрим санъаткорларнинг кийиниш услуби, даврада ўзини тутиши ёшларимизга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Янги туғилган чақалоқни туғруқхонадан уйга олиб келиш ҳам серхаражат маросим тусини олмоқда. Туғилганига ҳали бир ҳафта бўлмаган мурғакка "фрак" ёки келин либосини кийдириш, чилласи чиқмаган чақалоқни қатор-қатор серҳашам машиналарда карнай-сурнай садолари остида дабдаба билан уйга олиб келиш кимга нима наф беради? Ачинарлиси шундаки, бундай дабдабабозликка пулни аямайдиганлар эҳтиёжмандлар, ногиронлар ва кам таъминланганларга хайр-саховат кўрсатиш ишига келганда, ўзини четга олади.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг шу йил август ойида бўлиб ўтган йиғилишида бу камчиликлар, давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 28 октябрда қабул қилинган оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони, 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида" ги Қарори ижроси яна бир бор танқидий-таҳлил этилди, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Миллий маънавиятимизнинг маъно-моҳияти, қадимий илдизлари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари, миллий анъана ва қадриятларимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, тарихий хотира, миллий ғурур, комил инсон тарбияси, жамиятда, қолаверса, бутун дунёда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш ҳақида фикр юритар эканмиз бу борада МАЪНАВИЯТнинг ўрни нечоғлик катта эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур.

Ғоявий таҳдидларга қарши ҳар томонлама чуқур ўйланган, мунтазам ва узлуксиз олиб бориладиган маънавий тарбия халқимизни турли бало-қазолардан, менталитетимизга ёт иллатлардан асровчи бебаҳо вакцинадир. Шунинг учун Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш, ғоявий ва ахборот хуружлари ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадини фош қилиш, одамларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш ўзини муқаддас Ватанимизнинг ҳақиқий фарзанди деб билган инсонларнинг тарих ва келажак олдидаги бурчидир.

ЎзА муҳбири Олим ТЎРАҚУЛОВ суҳбатлашди

МУЛОҲАЗА

Давлат рамзлари — миллат кўзгуси

биз улардан тўғри фойдаланаяпмизми?

Давлат рамзлари – байроқ, герб, мадҳия ҳар бир давлатнинг суверенитетини белгиловчи унсурлардан ҳисобланади. Қадим замонлардан буён давлатлар ўзининг рамзларига эга бўлганлар ва бу ўша давлат ҳудудида яшовчи халқнинг тарихий, маданий илдизларини ифода этгани ҳолда руҳий-маънавий дунёқараши ҳосиласи бўлиб дунё ҳамжамиятидаги ўрнини, ўзгалардан фарқини, алоҳидалигини англатган.

Урал ХАИТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Соҳибқирон Амир Темур давлатчилигининг асосларида ҳам унинг рамзлари алоҳида ўрин эгаллаган, эл-улусни ягона туғ, ғоя остида бирлаштириш, эзгу амал ва ишларга йўналтиришга хизмат қилган. Мамлакат гуллаб-яшнаган, тараққий топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг "Давлат суверенитети" деб номланган 1-бобининг 2-моддасида "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади...", деб кўрсатилгани ва шу бобнинг 5-моддасида "Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланган ўз давлат рамзлари – байроғи, герби ва мадҳиясига эга" экани белгилаб қўйилганлиги юқорида таъкидланган давлатчилик анъаналарига мос тушади.

1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида" ги, 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида"ги ва 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги Қонунлар Қомусимизда белгилаб берилган нормаларни рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонунлар албатта, жаҳон амалиёти, олимлар, соҳа мутахассислари ва жамоатчилик фикри, таклиф-мулоҳазалари ўрганилган ҳолда тайёрланди. Халқимиз узоқ вақт кутилган, тарихий тараққиёти йўлини ўзида жо этган, жуғрофий хислатларини сингдирган, маданий бойликларига таянган, руҳий-маънавий дунёқарашини ифода этган байроқ, герб ва мадҳиясига эга бўлди.

Давлат рамзларидан фойдаланиш, уларни асраб-авайлаш ва умуман, давлат рамзларига бўлган ҳурмат ва эътибор бугунги кунда жаҳон халқлари маданиятининг бир бўлагига айланди. Ҳар қандай маданиятли инсон бошқа бир мамлакатнинг давлат рамзларини ҳурмат қилиши, яхши муносабатда бўлиши, байроғи кўтарилса ёки мадҳияси ижро этилганида ўрнидан туриши шу мамлакат халқига бўлган иззат ва эҳтироми сифатида қабул қилинади.

Давлат рамзларига бўлган муносабатлар улар тўғрисидаги амалдаги қонунларда ўз ифодасини топган.

Давлат рамзлари қонун билан белгилаб қўйилган вақт ва жойларда ўрнатилиши, кўтарилиши, ижро этилиши ва бу жараёнга хос жиҳатларини эътиборга олиш жуда муҳим ҳисобланади.

Албатта, ушбу қонунлар қабул қилинганига бирмунча вақт ўтганлиги, мамлакатимизнинг ташқи дунё билан муносабатлари тобора кенгайиб бораётганлиги, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий алоқаларнинг кенгаяётганлиги, хусусан, бозор иқтисодиёти ривожланиши билан боғлиқ равишда ишлаб чиқаришда рақобат ва бошқа янги ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши давлат рамзларига бўлган муносабатларда ҳам янгича ёндашувларни тақозо этмоқда.

Таҳлиллар ва кузатишлар аксарият ҳолларда давлат рамзлари билан боғлиқ меъёрлар бузилаётгани ва унга жавобгарлик масъулиятини кучайтириш лозимлигини кўрсатмоқда. Очиқроқ айтганда айрим тадбиркор ва фуқаролар давлат рамзларидан тижорат мақсадларида фойдаланиши ҳолати кузатилмоқда. Масалан, ўзи нодавлат ташкилоти бўлгани ҳолда ҳужжатлар, реквизитлари ва рекламалари учун давлат рамзларидан фойдаланмоқдалар. Ёхуд Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва герби қонунда кўзда тутилмаган жойларга ўрнатилиши, мадҳиямизнинг эса ижро этилиши ҳолатлари кузатилмоқда. Булар албатта, қонунларимиз ва рамзларимизга нисбатан ҳурматсизлик ва эътиборсизлик сифатида баҳоланмоғи зарур.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қонун ташаббускорлиги асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига "Давлат рамзлари ҳақидаги Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси киритилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси қўмиталар, партиялар фракциялари ва Экоҳаракат гуруҳи ҳамда палатанинг ялпи мажлисида атрофлича ўрганиб чиқилиб, биринчи ўқишда маъқулланди.

Тақдим этилган қонун лойиҳасида давлат рамзларидан фойдаланиш майдонини аниқлаштириш, белгиланган меъёрларни бузиш учун жавобгарлик белгиланган. Бу меъёрлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча моддаси сифатида акс этиши кўзда тутилган. Лойиҳада давлат рамзларидан фойдаланиш тартиб-қоидаларини назорат қилиш бўйича масъул органлар аниқ белгиланган, амалдаги умумийликка барҳам берилгани эътиборга молик. Маъмурий жавобгарлик кодексида рамзлардан фойдаланишда эътиборсизлик ва камчиликларга йўл қўйган раҳбар, ходимлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланганлигини ҳам эътироф этиш жоиз.

Маълумки, лойиҳа албатта, камчиликлардан холи эмас. У ҳали депутатлар ва жамоатчилик фикри, таклиф ва мулоҳазалари асосида янада такомиллашади.

Оддий бир мисол: қўшиқчиларимиз, айниқса, Ватан ҳақидаги клипларида давлатимиз рамзларидан ҳам фойдаланишмоқда. Тўғри, унинг тарбиявий аҳамияти бор. Лекин, иккинчи томондан, клиплар тижорат маҳсулоти эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Бундай ҳолатлар тақдим этилган қонун лойиҳасини янада мукаммалаштириш лозимлигини тақозо этади.

Қонунларга ҳурмат ва эътибор фақат қонунларни қабул қилиш билангина амалга ошиб қолмайди. Бу борада тушунтириш-тарғибот ишларини янада кучайтиришимиз, қонунларимиз мазмун-моҳиятини аҳолига етказишни янада чуқурлаштиришимиз муҳим ҳисобланади.

ИФТИХОР

Фуқаролик паспорти топширилди

Мустақиллик майдонида Юнусобод туманидаги таълим даргоҳларида таҳсил олаётган 16 ёшга тўлган эллик нафар ўғил-қизга фуқаролик паспортлари топширилди.

Мазкур тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, устозлар ва ота-оналар иштирок этди.

–Бугун ҳаяжоним чексиз. Чунки фуқаролик паспортини олдим, – дейди Шаҳноза Раҳмонова. – Мамлакатимизда биз ёшларга қаратилаётган эътибор ва кўрсатилаётган ғамхўрликдан мамнунмиз. Шундай буюк юртнинг фарзанди бўлганимдан фахрланаман. Эл-юртим, халқим, Ватаним равнақи йўлида бор куч ва имкониятларимни сафарбар этишга тайёрман. Ҳар бир ишимни она юртимнинг юксак келажаги учун амалга ошираман.

Фуқаролик паспорти фуқароликнинг асосий белгиларидан бўлиб, муҳим ҳуқуқий ҳимоя воситасидир. Шу боис қаерда, қайси давлатда бўлмайлик қўлимизда паспортимиз бўлса, бизга ҳеч ким қонун доирасидан чиқиб муомала қилолмайди. 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги қонун мамлакатимизда миллий паспорт тизими яратилиши ва шаклланиши учун ҳуқуқий асос бўлди.

–Ёшлар учун қувончли бўлган бу сингари тадбирларни бош майдонда ўтказилишида ҳам чуқур рамзий маъно бор, – дейди Тошкент шаҳри Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси хорижга чиқишкелиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи Ботир Сайидов. – Айтиш жоизки, ушбу фуқаролик паспортини қўлига олган ҳар бир йигит-қиз мустақил ҳаётга йўл олди. Ишонамизки, фарзандларимиз ўз Ватани келажаги йўлида юртимизда яратилаётган барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда хизмат қилишади.

Ёшларга паспорт топшириш маросимида катта ҳаётга бу мўътабар ердан илк қадамларини қўйган фарзандларимиз юрагида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуси янада мустаҳкамланишига ишонч билдирилди.

"Туркистон-пресс"

МАЪНАВИЯТ

МУҲОКАМА

Замонавий қаҳрамон образи

киноасарларда кўнгилдагидек яратилаяптими?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбирни "Ўзбеккино" Миллий агентлиги Бош директори Аъзам Исҳоқов очди ва йиғилганларга тадбирдан кўзланган мақсад ва вазифалар хусусида атрофлича маълумот берди.

Шундан сўнг йиғилганлар эътиборига Президентимиз Ислом Каримовнинг Бухородаги учрашуви видео ёзуви ҳавола этилди.

Тадбирда бугунги кино ва ундаги қаҳрамонларнинг замонавий қиёфасини яратиш борасида Юртбошимизнинг ўзбек кинематографияси олдига қўйган вазифалари муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар мамлакатимизда киноижодкорларга яратилаётган кенг имкониятлар, бугунги ўзбек киносининг ютуқ ва камчиликлари хусусида батафсил тўхталиб, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий анъаналарни янада чуқурроқ сингдириш борасида ёшларни ортидан эргаштира оладиган замонавий қаҳрамонларнинг кинофильмлардаги қиёфасини яратиш борасида ўзларининг таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

- Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳалар каби киносанъати ривожи учун кенг имкониятлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбеккино" Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори фикримизнинг ёрқин ифодасидир,- деди А.Исҳоқов. - Ўтган 19 йил мобайнида ўзбек киноси ҳам шакл-мазмун жиҳатдан, ҳам ғоявий жиҳатдан янгича қиёфа касб этди. Давлатимиз томонидан яратилган ижод эркинлиги ўзбек киносининг келгуси тараққиёт йўлини белгиловчи муҳим омил бўлди.

Мустақиллик йилларида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан 100 дан зиёд фильм яратилган бўлса, хусусий киностудиялар орқали 200 га яқин киноасарлар суратга олинди. Бу кўрсаткичларнинг салмоғи ҳужжатли фильмлар ҳисобига 500 га яқинни ташкил этади. Ижодкорлар томонидан 70дан зиёд мультипликацион фильм экран юзини кўрди.

"Буюк Амир Темур", "Чаёнгул", "Ёлғиз ёдгорим" каби фильмлар томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Ўзбек киноасарлари чет мамлакатларнинг нуфузли совринларига муносиб топилаётгани ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Бироқ, соҳада эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар борки, улардан кўз юмишнинг иложи йўқ. Юртбошимиз Бухорога ташрифи чоғида биз киноижодкорлар олдига долзарб вазифа, бугунги кун замонавий қаҳрамонини экранлардаги талқини хусусида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифаларни белгилаб бердилар.

Техника-технология шиддат билан ривожланаётган, ёшларимизга четдан турли таҳдидлар хавф солаётган айни дамда замонавий қаҳрамонларни яратиш нафақат киносанъат, балки барча ижодкорлар олдида турган долзарб вазифадир. Кино инсон онги ва руҳиятига кескин таъсир этувчи восита эканлигини ҳар биримиз яхши биламиз. Киномаҳсулотларимизнинг асосий томошабинлари ёшлардан иборат. Уларни юксак маънавиятли, теран тафаккурга эга бўлишларида, ёшларнинг идеалига айлана оладиган замонавий қаҳрамонлар образини киноэкранларда талқин этиш биз киноижодкорлардан катта куч-ғайрат талаб этади.

Учрашувда кўп бор таъкидланганидек, гап замонавий қаҳрамон яратиш хусусида борар экан, мукаммал киносценарийларга бўлган талабни янада кучайтириш лозим. Маълумки сценарийлар "Ўзбеккино" Миллий агентлиги қошида ташкил этилган Бадиий кенгашда муҳокамадан ўтади. Кўп ҳолларда баъзи ижодкорлар хом-хатала сценарий асосида фильм олмоқдалар. Улар адабий сценарийдаги камчиликларни режиссёрлик сценарийси бойитади, режиссёрлик сценарийсидаги айрим хатоларни актёрлар ижроси тўлдиради, деб ўйлайдилар. Охир-оқибат фильм экранга чиққач кутилган натижага эришилмагани сезилиб қолмоқда. Сарф-харажат, меҳнат беҳуда кетаётгани бир ёқда турсин, томошабинга ҳеч нарса бера олинмаётгани ачинарли ҳол. Бунинг учун Бадиий кенгашга тақдим этилаётган сценарийларга бўлган талабни янада кучайтириш лозим.

Омон МУХТОР, ёзувчи:

- Замонавий қаҳрамон яратиш масаласи бугун кўрилаётган, муҳокама этилаётган мавзу эмас. Биз бу масалага кўплаб учрашувларда тўхталганмиз, тўхталмоқдамиз. Лекин ҳануз ижобий натижага эришилгани йўқ.

Ўзбек киноси тарихига назар ташласак "Тоҳир ва Зуҳра", "Навоий", "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён", "Шум бола" каби тарихий, маданиятимиз, миллий ўзлигимизни ўзида акс эттирган, инсонга эстетик завқ бера оладиган кўплаб санъат дурдоналарини учратамиз. Мазкур фильмлар бадиий асарлар асосида, пухта тузилган сценарий, маҳоратли актёрлар ижроси уйғунлигида суратга олинган. Фильмдаги образлар ўзининг ғоявий савияси, диалогларнинг ишонарлилиги билан юракларимизда мангу муҳрланган. Киноасар қаҳрамони Ватан, муҳаббат ҳақидаги фикрларини самимий, юракдан ифода этади. Айнан шу жиҳати билан улар умрбоқийдир. Сир эмаски, фильмда киноқаҳрамоннинг тафаккуридаги ғоялари ҳаёт тарзимизга сингади. Шундай экан, каноасарга тарбия воситаси сифатида қараб унга кўплаб ижодкорларни жалб қилишдан чўчимаслик керак.

Бугунги ўзбек кинофильмлари назаримда бадиий асарлардан анча узоқлашган. Биз ёзувчилар ҳамма асарларимиз асосида мунтазам кинофильмлар яратилсин, деган фикрдан йироқмиз. Мен режиссёрлар билан ёзувчи шоирларнинг яқин ҳамкорлиги ўзбек киноси тараққиётига хизмат қилишига ишонаман.

Сирожиддин САЙЙИД, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари:

- Президентимиз Ислом Каримов ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида " ... холисона айтиш керакки, ёшларнинг тарбиясига чуқур таъсир кўрсатадиган замонавий қаҳрамон образи кино экранларимизда ҳали яратилганича йўқ. Суратга олинаётган аксарият фильмларда киночиларимизнинг бугунги куннинг ҳақиқий манзараси, унинг ўткир муаммоларини чуқур ҳис эта олмаслиги, оддий одамлар ҳаётидан узоқлашиб қолгани сезилиб туради", дея алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Юқоридаги фикрлар биз ижодкорлар учун замонавий қаҳрамонларни экранларимизда талқин этишда муҳим дастуриламал саналади.

Замонавий қаҳрамонларни ўзида акс эттирадиган пухта сценарий яратишда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги қошидаги Бадиий кенгаш билан Ёзувчилар уюшмасида фаолият юритаётган Кинодраматургия шўъбасининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш олдимиздаги режаларни амалга оширишимизда муҳим восита бўлади, деб ўйлайман. Қолаверса, киноижодкорларнинг санъат даргоҳлари билан ҳамкорлигини бундан-да кучайтириш, ўқув юртларида тўгараклар ташкил этиш масаласини ҳам тегишли ташкилотлар кўриб чиқсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Эркин САМАНДАР, ёзувчи:

- Замонавий қаҳрамонга мен ижодкор сифатида иккита талабни қўйган бўлар эдим. У замон билан ҳамнафас, курашларда тобланган бўлиши лозим. Замонавий қаҳрамон ўз фаолиятида юксак натижаларга эришган тадбиркор, таълим соҳасига ўқитишнинг янги усулларини олиб кира олган мураббий, табиатнинг ҳар қандай инжиқликларига қарамай мўл ҳосил олишга эришган пахтакор бўлиши мумкин. Муҳими у бугунги кун кишиси. Унинг ўй-қарашлари бугунги кун руҳи билан суғорилиши лозим. Бундай натижаларга эришишда ҳар биримиз ўз олдимизга қатъий мақсадларни қўйсаккина ижобий натижага эришишимиз мумкин.

Қолаверса кейинги йиғилишларимизни навбатма-навбат "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ва Ёзувчилар уюшмасида ўтказишни таклиф қилмоқчиман. Ана шунда ижодкорлар ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланган бўларди.

Жаҳонгир ҚОСИМОВ, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги Бош директори ўринбосари:

- Бугунги киноижодкор томошабин эҳтиёжини тўғри англай олмаяпти. Фильмларимизда тор доирадаги севги-муҳаббат ва унинг изтироблари, қайнона-келин, қайнота-куёв ўртасидаги зиддиятлар ҳинд фильмларидаги йиғлоқи эпизодларни эслатади. Кинофильмларимизда томошабинда ишончсизлик кайфияти уйғотадиган лавҳалар, дабдабабозлик, қаҳрамонларни ўта салбий, ўта ижобий тарзда ёритиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Бугунги фильмларимизда қайнона образи қаттиққўл, келин образи эса жабрдийда тарзда ифода этилади. Киноэкранларимиздаги зиддиятлар ҳам оилавий масалаларга бориб тақалади. Тор доирада яратилган мазкур образлар ёшларимизни фалсафий мушоҳадага чорлаб, фильм хусусида фикрлашга, хулосалар чиқаришга ундайди, деб ким айтади? Баъзи фильмларнинг бошини кўришимиз билан сюжети, якуни ҳақида бемалол гапира оламиз. Уларнинг бир хил қолипда, саёз ишлангани ғашимизга тегади. Энг ачинарлиси, бундай фильмлар четдан туриб бутун бошли ўзбек киносига баҳо берилишига сабаб бўлмоқда.

Мен фильмларни буюртма фильм, нодавлат киностудияда олинган киноасар деб гуруҳлаштиришга мутлақо қаршиман. Уларнинг ҳаммаси ўзбек кинофильмлари, қўйилаётган талаб ҳам барча асарлар учун бирдек.

Бугунги киноижодкор учун энг муҳим вазифа фильмларимизнинг ғоявий-бадиийни савияси янги поғонага кўтаришдан иборат. Моддий савиясини янги манфаатни ўйлаб сифатсиз маҳсулотларни экран юзини кўришига бефарқ қараб туришга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Бу борада мен актёрларни ҳам сергакликка чақираман. Улар керак бўлса режиссёрдан пухта сценарийларни талаб қилишлари, ўзларининг янги-янги ғояларини киноижодкорлар билан ўртоқлашишлари лозим.

Замира АБДУЛЛАЕВА, ЎзМУ магистранти:

- Миллий киномизнинг ютуқ ва камчиликлари, замонавий қаҳрамон образи яратиш масаласи биргина ижодкорлар, драматург ёки ёзувчилар олдида турган вазифа эмас. Бугун кинофильмларимиз бутун бир миллатнинг диққат-эътиборини тортмоқда. Ундаги озгина камчилик ёинки эришилган марралар ҳеч биримизни бефарқ қолдираётгани йўқ. Биз ёшлар киноижодкорлардан мукаммал асарларни кутаяпмиз. Миллий анъаналаримизга таянган, ўзбекона, шарқона одоб-ахлоқни ўзида мужассам этган образлар ёшларимизга "оммавий маданият" хавф солаётган, глобаллашув жараёнида жуда керак, деб ўйлайман. Зеро, орамизда ҳаётга енгил-елпи қарайдиган, нима мақсадда яшаётганини унутган, турли таъсирлар доирасига тушиб қолган, ҳою-ҳавас, бойимандалик кайфиятида ортиқча дабдаба, бойлик кетидан қуваётган ёшларимиз афсуски учраб турибди. Уларга фильмларимиздаги ғоявий жиҳатдан таъсир қиладиган, ўзининг инсоний ҳис-туйғулари, яратувчанликка бўлган иштиёқи билан Ватан, эл-юрт олдидаги масъулиятини чуқур ҳис эта оладиган образларгина таъсир ўтказа олади. Шундай образларни мен бугунги замонавий қаҳрамон образи деб баҳолайман.

Назокат УМАРОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

АНЪАНА

"Мутолаа байрами"

унда китобхонлар кутубхонадаги янги имкониятлар билан танишдилар

Китоб инсон маънавиятининг энг нозик қирраларини очиб беришда, уни тафаккур қилиш, борлиқ ҳақида тасаввур ҳосил этиш ва энг асосийси, жамиятда шахс сифатида камол топишда муҳим роль ўйнайди. Ўз навбатида таффакур чархи саналмиш китоб билан ошно бўлишда кутубхоналарнинг ўрни катта.

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида анъанавий "Мутолаа байрами" ўтказилиши, айниқса, ёшларни китоб мутолаа қилиш, янги манбалар билан танишишларида кенг имконият ва шарт-шароит яратмоқда. Бу галги тадбирда ёш китобхонлар нафақат мутолаа маданиятини ўрганиш, таҳлил қилиш, балки янги ахборот технологиялардан фойдаланиш ва маълумот олишни замонавий усуллари билан ҳам танишдилар.

Миллий кутубхонадан ўрин олган қадимий ва нодир манбалар ҳақида кутубхонанинг нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимида фаолият юритиб келаётган мутахассис Шоҳида Аббосова шундай дейди:

– Бўлимимизда ўн мингга яқин нодир китоб, илк нашр этилган газета, журналлар сақланиб келинмоқда. Шунингдек,бошқа давлатлар ва юртимиздаги кутубхоналардан нусхалар олиб келиниши ҳисобига янада бойиб бораётир.

Қадимий асарларни асраб-авайлаш ниятида улар китобхон учун қулай бўлган электрон кўринишда тақдим этилмоқда. "Садои Туркистон", "Садои Фарғона", "Улуғ Туркистон", "Туркистон вилояти", "Нажот", "Турон", "Қизил шафақ", "Ёш шарқ", "Бухоро ахборий", "Янги шарқ", "Камбағаллар товуши", "Эл байроғи", "Фарғона саҳифаси" каби газета ва қўлёзмалар шулар жумласига киради.

Зиё масканида ахборот технологияларининг янги воситаларидан фойдаланилмоқда. Бу ерда яратилган яна бир қулайлик шундан иборатки, кутубхонага Германиянинг "Planscan" фирмасидан энг замонавий катта форматдаги сканер олиб келинди. Эндиликда унинг ёрдамида турли ҳажмдаги манбаларнинг нусхаси яратилгани аҳамиятга молик.

Кутубхонада тўрт юздан зиёд янги чиққан электрон китоблар бор. Китобхонлар интернет орқали хорижий журналлардаги маълумотлардан бохабар бўлишади. Диссертация залида эса Россия давлат кутубхонасида сақланаётган энг долзарб мавзудаги 300 мингдан ортиқ диссертацияларнинг электрон матни билан танишиш имконияти мавжуд.

– Китоб ўқиш энг севимли машғулотим,- дейди Маданият коллежи талабаси Дилноза Ботирхонова.– Кутубхонада барча турдаги китоблар ва уларнинг электрон вариантидан фойдаланаман. Ушбу тадбирда ўртоқларим билан яна кўп маълумотлар олдик, маданият ва санъат арбоблари ижодидан баҳраманд бўлдик.

– Нафақада бўлсам-да, кутубхонага келишни канда қилмайман,- дейди Шерали Иброҳимов. – Шу сабаб байрамларда ҳам мунтазам қатнашаман. Кутубхона жамоаси шароитларни янада яхшилаб, қимматли манбаларни кўпайтираётганидан қувонасан киши. Бу ерда, айниқса, ёшлар кўпчиликни ташкил этиши юртимиз келажаги эгалари китоб билан дўст тутинаётганидан дарак беради.

ИМКОНИЯТ

Мусиқа мактаби бунёд этилди

Мусиқа санъатини инсон руҳиятининг қанотига менгзашади. Яхши куй – жон озиғи. У дилларни дилларга, элларни элларга боғловчи мўъжизакор кучдир. Миллий мусиқа санъатимиз ҳақида сўзлайдиган бўлсак, унинг жаҳон тамаддунидаги ўрни беқиёс даражада катта эканлигига амин бўламиз. Истиқлол йилларида ўзбек мусиқа санъати ривожланиб, бутун жаҳонга довруғ солди. Сайқал топиб, юксалди.

Анорбой НОРҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Кейинги йилларда юртимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, айниқса баркамол авлод тарбиясида унинг аҳамиятини, таъсирини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мусиқа санъатининг ёшлар орасида оммалаштиришга, ушбу нафосат оламига қадам қўяётган юксак иқтидор соҳибларига ҳар томонлама йўл-йўриқ кўрсатиш, уларнинг ижодий камолотга етишларига катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, ҳар томонлама етук, маънан ҳамда жисмонан соғлом авлодни вояга етказишда мусиқанинг ўрни беқиёс даражада катта.

Истиқлол шарофати билан юртимизда санъат ва маданиятнинг барча турлари қаторида мусиқа санъати ҳам гуркираб ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қароридан сўнг Сирдарё вилоятидаги барча мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси тубдан яхшиланди. Ўтган йили Боёвут туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси капитал реконструкция қилинди ва мазкур ўқув даргоҳи энг замонавий мусиқа жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. Гулистон шаҳрида эса 2014 йил "Манзилли дастур"га асосан лойиҳа қиймати 1 миллиард 718 миллион сўм бўлган янги замонавий қиёфадаги болалар мусиқа ва санъат мактаби бунёд этилди. 150 ўринли бу муҳташам бино энг замонавий мусиқа асбоб-ускуналари билан тўлиқ жиҳозланди. Мактаб биносини қисқа фурсатларда сифатли бунёд этишда «Анварбек» хусусий қурилиш корхонаси қурувчиларининг хизмати беқиёс даражада катта бўлди.

- Кенг, ёруғ, замонавий мусиқа жиҳозлари билан таъминланган машғулот хоналарида мусиқа сирларини қунт билан ўрганяпмиз,- дейди биз билан суҳбатда мактабнинг иқтидорли ўқувчиларидан бири Севинч Қодирова. - Кўрсатилган ғамхўрликлардан беҳад хурсандмиз. Бундай юксак эътиборга астойдил илм олиб, келажакда катта ютуқлар билан муносиб жавоб қайтарамиз.

Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан мамлакатимиз Президентининг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Дастурга биноан 2014 йилга қадар Сирдарё, Сайхунобод, Ховос, Мирзаобод, Гулистон, Сардоба, Оқолтин туманларида янги мусиқа ва санъат мактаблари барпо қилинади. Барча мактабларда "Ягонасан, муқаддас Ватан", "Ватанимни куйлайман", "Оҳангларда юрт мадҳи", "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" каби мавзуларда бурчаклар ташкил этилади. Ўқув даргоҳининг моддий-техник базаси тубдан яхшиланиб, малакали мутахассислар, етук педагог кадрлар билан тўлиқ таъминланади. Мусиқа, санъатга ошно навқирон авлодга ана шундай беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилади. Қишлоқ туманларида янги, муҳташам санъат кошоналари кўпайиб, мусиқа ва санъатга қизиққан ёшлар учун катта имкониятлар яратилади.

ДЕБАТ

Фарзанд тарбиясида ота-онанинг ўрни

унда ота-она асосий ўрин тутади

Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда "Ота-онага қараб, болага баҳо бериб бўладими?" мавзусида ўқувчи-ёшларнинг мунозара-дебати бўлиб ўтди.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" маркази ташаббуси билан ўтказилган тренингда таълим тизими ходимлари, шаҳарча ҳокимлиги мутахассислари, лицейнинг тажрибали ўқитувчилари ҳамда ўқувчилар иштирок этди.

Ёшларнинг бугунги жамиятда ўз ўринларини топиши, оиладаги муҳитнинг бола тарбиясидаги ўрни, ота-оналарнинг фарзандларига тарбиявий таъсири жамият ва миллат учун катта аҳамият касб этади.

Мунозаралар чоғида болалар дунёқарашининг шаклланишида ота-онага муносабат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби халқимизга хос азалий анъаналар муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Иштирокчилар ўсиб келаётган ёш авлоднинг жамиятда ўз ўрнини топишида оила, маҳалла ва бошқа омиллар бошида ота-она туришини қайд этишди.

— Бола улғаяр экан, ташқи муҳит унинг онгига таъсир этмасдан қолмайди, -дейди "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Улуғбек Абдуллаев. — Бу жиҳат индивидуал тараққий этиш жараёнида ота-онанинг роли бош омил эканлигини кўрсатади. Қувонарлиси, иштирокчилар кўтарилган мавзуни кенгроқ очиш мақсадида дебат кўринишида икки жамоага бўлиниб, мунозара олиб боришди.

Жамоа вакиллари ота-она бола индивидуал ривожланишида муҳим аҳамиятга эгалигини тўғри ва ҳаққоний тавсифлаб бера олишди. Шунингдек, мунозараларда боланинг асосий характери, мустақил ҳаётда ўз ўрнини топиши, комил инсон сифатида шаклланиши ота-она, устоз тарбияси билан бир қаторда, кўп жиҳатдан унинг ўзига ҳам боғлиқ эканлиги таъкидланди.

Азима КИЁСОВА, "Туркистон-пресс"

ЖАРАЁН

БАНДЛИК

Ёш мутахассислар

меҳнат ярмаркасида ишли бўлди

Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида пойтахтимиздаги академик лицей ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб ҳунар коллежларининг 15 мингдан ортиқ битирувчилари ва вақтинча банд бўлмаган аҳоли иштирок этди.



Камолиддин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан ўтказилган ушбу кўргазмада пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган 204 та йирик саноат корхоналари билан бир қаторда 200 дан ортиқ микрофирма ва кичик корхоналар 11 мингдан зиёд бўш иш ўринларини таклиф этди. Улар орасида шифокор ва ҳамширалик иши, иқтисодчи-ҳисобчи, муҳандис, чилангар-таъмирловчи, тикувчи-йигирувчи, қурувчи ҳамда ўқитувчи-тарбиячи каби мутахассисликлар бор.

Истиқлол йилларида барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида иқтисодиётнинг реал соҳалари учун малакали мутахассислар тайёрлаш, аҳолини аниқ ва манзилли ижтимоий ҳимоялаш, иш билан бандлигини таъминлаш, янги корхоналар ташкил этиш асосида кўплаб иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

– Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида малакали касб эгаларини ишга жалб этишнинг энг илғор йўлларидан бири – янги иш ўринлари ярмаркаларида қатнашишдир, – дейди Яккасарой тумани бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Дилдора Муҳиддинова. – Мазкур ярмаркада туманимиздаги 30 та корхона асосан тўқимачилик, тиббиёт, дизайнер ҳамда миллий ҳунармандчилик каби юртимизда тобора ривожланиб бораётган соҳалар бўйича 1447 та иш ўрни билан иштирок этди. Шунингдек, имкониятдан фойдаланиб, 10 та кичик бизнес билан шуғулланувчи фирмада яратилган 512 та янги иш ўрнига салоҳиятли, билимли ёшларни ишга таклиф қилмоқчимиз.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда пойтахтимизда 118 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда ушбу таълим муассасаларини тамомлаган 33677 нафар битирувчининг 24168 нафари иш билан таъминланган. Шунингдек, уларнинг 4470 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган.

Ярмаркада иш берувчи ва бандликка кўмаклашувчи идора вакиллари иштирокчиларга таклиф қилинаётган иш ташкилот фаолияти ва моддий таъминоти ҳақида тўлиқ маълумотлар беришди.

– Ушбу меҳнат ярмаркаси мен учун катта аҳамиятга эга бўлди, – дейди Шайхонтоҳур саноат касб-ҳунар коллежи битирувчиси Нигора Жонибекова. – Ўқишни тугатиш арафасида турганим сабабли "Қаердан ва қандай иш топсам экан?", деган ўй-хаёл билан юргандим. Яратилган имкониятдан фойдаланиб, ўзим қизиққан соҳа бўйича иш топдим. Яъни кийим-кечак ишлаб чиқарувчи "Muruvvat-teks" корхонаси билан шартнома имзоладим. Улар таклиф этаётган иш ҳар томонлама маъқул келди. Корхонада ходимлар учун яратилган имкониятлар жуда юқори экан. Насиб қилса, келгуси фаолиятимни шу корхонада тикувчи сифатида давом эттираман.

Икки кун давом этган меҳнат ярмаркасида пойтахтимизнинг барча туманларидан ташриф буюрган ёш мутахассисларнинг 5 минг нафардан ортиғи шу ернинг ўзида янги ишга йўлланма олишди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда пойтахтимизда 118 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилда ушбу таълим муассасаларини тамомлаган 33677 нафар битирувчининг 24168 нафари иш билан таъминланган. Шунингдек, уларнинг 4470 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга кирган.

МАЪРИФАТ

Инсон бахти-саодати, оилалар фаровонлиги соғлом турмуш тарзи билан баҳоланади. Жамиятда бахтли оила, унда эса бахтиёр инсон камол топади. Инсон ўз бахтини ўзи яратади. Жамиятда ҳар бир инсон бахту иқболга эришиб яшаши учун давлат сиёсати даражасида ғамхўрлик қилинмоқда.

Билим ва маънавият

авлодлар қаноти

Гўзал УСМОНОВА,
Навоий Давлат педагогика институти бошланғич таълим услубиёти факультети талабаси

Мамлакатимизда турли йилларда эълон қилинган "Инсон манфаатлари йили", "Қарияларни қадрлаш йили", "Обод маҳалла йили", "Ёшлар йили", "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили", "Баркамол авлод йили" ҳамда ушбу йилларда амалга оширилган хайрли ишлар замирида олам-олам маънолар мужассам. Буларнинг барчаси ҳар бир шахс ва оила ҳаётида соғлом турмуш тарзини ривожлантиришга қаратилган. Соғлом турмуш тарзига шахс ҳаётида ҳам, оилада ҳам етук маънавий-ахлоқий тарбиясиз эришиб бўлмайди. Юртбошимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, "Маънавиятда инсоннинг иймон, ахлоқи, ҳаётининг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, халқ олдидаги бурчини англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавий баркамол инсон – ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётидан рози кетади". Албатта, маънавий-ахлоқий тарбия муҳитини ҳар бир оилада, боғча, мактаб, лицей ва коллежларда яратиш педагоглардан улкан масъулият талаб қилади.

– Бўлғуси педагогларимизнинг интеллектуал салоҳияти дунёвий илмларни пухта эгаллаш билан бир қаторда маънавий дунёсини бойитиб бориш орқали юксалиб бораверади, – дейди Навоий Давлат педагогика институти бошланғич таълим услубиёти факультети декани Фахриддин Рўзиқулов. – Улуғ аждодлар маънавий меросларидан баайни миллатимиз йўлини ёритиб келаётган йўлчи юлдуздир. Мир Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларидан тортиб бугунги адабиёт дурдоналаригача маънавият сарчашмасига айланган чўнг ҳақиқатдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда "одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни пайтда шу халқ, шу миллатининг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида кўприк бўлишга қодир бўлган" маънавият бугунги кунда интеллектуал салоҳияти юксак кадрларни тайёрлашда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Бўлғуси педагогларнинг билим-тафаккури қанчалик юқори бўлса, бу шак-шубҳасиз ёш авлод тарбияси, уларнинг етук инсонлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

Бўлғуси педагоглар эртага таълим даргоҳларига йўл олар экан, ёшликда олган билим тошга ўйиб ёзилган кабидир, деган ақидага амал қиладилар. Яъни, мактаб остонасига қадам қўйган жажжи ўғил-қизларга пухта билим бериш билан бир қаторда аввало она — Ватанга меҳр-муҳаббат туйғусини жўш урдирадилар. Билим ва маънавият ёш авлоднинг чинакам икки қаноти бўлиб, уларни юксакларга олиб чиқади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида **«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»** мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов шартлари

Танловга 2010 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги таҳлилий мақолалар ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, фаолияти, паспорт нусхаси) илова қилинади.

Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали мутахассис эксперт-лар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган жюри ҳайъати томонидан аниқланади.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ғолиблар диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзуидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2010 йил 5 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри, 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 244-15-96, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz, mmf.uz@mail.ru.

Ташкилий қўмита

ЯНГИ АВЛОД

Ўқувчи меъмор

Зарбдор саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси меъморчилик йўналиши бўйича "Келажак овози" республика танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлди

Зарбдор тумани гарчи Жиззах шаҳрига нисбатан яқин жойлашган бўлса-да, собиқ совет тузуми даврида унга деярли эътибор қаратилмаган. Ўша пайтда бутун туман ҳудуди, ҳатто марказида ҳам кўп қаватли уй, айниқса, мактабларни учратиш мушкул эди. Шунинг учун ҳам зарбдорликлар мустақиллик йилларида туман марказида қад ростлаган уч қаватли, замонавий, ҳатто пойтахтдаги ўқув муассасаларидан сира фарқ қилмайдиган коллежни кўриб чексиз қувонч ва фахр-ифтихор ҳиссини туйишди. Туманда бирин-кетин бир эмас, бир нечта ана шундай замонавий ва ҳашаматли коллежлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Зарбдор саноат касб-ҳунар коллежининг янги биноси 2001 йилда ишга туширилди. Коллежда айни пайтда 750 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. 2 та ўқув биноси бор. Ўқиш бир сменада ташкил этилган. 100 ўринли ётоқхонага ҳам эга. Олисдан қатнайдиган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади. Ёзги ва қишки мавсумга мослаштирилган спорт зали ва майдончалари мавжуд.

- Коллежимизда ўқувчилар бухгалтерия ҳисоби, молия, банк иши, тикувчилик, информатика ва ҳисоблаш техникаси, мактаб ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, бошланғич таълим, автомобиль транспортида ташиш ва бошқаришни ташкил этиш йўналишлари бўйича таҳсил оладилар, - дейди коллеж директори Дилфуза Шукурова. Уларга таълим бераётган 64 нафар ўқитувчиларимиздан бир нафари фан номзоди, 2 нафари таълим аълочиси, 2 нафари олий, 6 нафари биринчи, 12 нафари иккинчи тоифага эга.

Зарбдор саноат касб-ҳунар коллежи нафақат туман, балки вилоят миқёсида ҳам намунали ҳисобланади. Бу, энг аввало, деярли барча фан ва йўналишлар бўйича кабинетлар мавжудлиги, улар замонавий ўқув асбоблари билан тўлиқ таъминланганлиги, малакали кадрларга эга эканлигида намоён бўлмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати коллежда тўгаракларга алоҳида эътибор қаратилади. 6 та кафедра қошида 26 та тўгарак мунтазам фаолият кўрсатади. Бу ерда ҳар бир ўқувчи тўгаракка жалб қилинган. Айрим ўқувчилар бир эмас, икки-учта тўгаракка қатнаётганликлари таҳсинга лойиқ.

Ана шундай ибратли ва намунали омиллар сабабли яқин кунлар ичида физика ва кимё фанлари бўйича коллеж ўқитувчилари малакасини ошириш курси айни шу коллежда очилиши режалаштирилган. Бир қанча коллежнинг физика ва кимё фанлари ўқитувчилари ҳар 15 кунда бир марта Зарбдор саноат касб-ҳунар коллежига келиб, ўзаро тажриба алмашадилар, янги педагогик технология ва бу ердаги намунали амалиёт ишлари ҳамда кабинет ва тўгараклар фаолияти билан яқиндан танишадилар. Коллежнинг бундай даражага етишида аниқ ва табиий фанлар кафедраси мудири, техника фанлари номзоди, доцент Ғулом Жўраевнинг алоҳида ўрни ва ҳиссаси бор. Тажрибали педагог ва олим қисқа муддат ичида аниқ фанларга мўлжалланган кабинетларни энг намунали кабинетларга айлантирди. Ўқув асбоблари ўқувчиларни ана шу фанга ҳам қизиқишини оширади, ҳам мавжуд билимини мустаҳкамлайди. Ўқувчи бу ерда олган назарий билимини амалиёт билан боғлайди. Бу эса ўқувчиларни ўзига хос кашфиётлар қилишга ҳам ундамоқда.

Шу пайтгача 1 та компьютер синфи амал қилган бўлса, яқинда улар сони яна 2 тага кўпаяди. Чунки коллеж хорижий таълим грантини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Айни пайтда синфларни мослаштириш жараёни олиб борилмоқда. Битта синфга энг сўнгги русумдаги 12 тагача компьютер жойлаштирилади. Бу эса табиийки ўқувчиларнинг интернет имкониятларидан кенгроқ фойдаланишларига ҳам шароит яратади. Бундан ташқари, коллеж ўқитувчилари Жанубий Кореяга бориб, малака ошириш, хорижий таълим услублари билан бевосита танишиш, тажриба алмашиш ва ўрганиш имкониятига эга бўладилар.

Зарбдор саноат касб-ҳунар коллежидаги бундай янгилик, ўзгаришлар табиийки ўз самарасини бера бошлади. Масалан, яқинда "Келажак овози" танловининг вилоят саралаш босқичида ана шу коллеж ўқувчиси Гулибону Рўзимуродова "Миллий миниобсерватория - "Астрон" лойиҳаси макети" билан иштирок этиб ғолиб бўлди ва республика босқичига йўлланма олди.

- Ушбу лойиҳа ҳам сиёсий, илмий, ҳам маънавий, маърифий аҳамиятга эга,- дейди Гулибону Рўзимуродованинг ушбу лойиҳа бўйича илмий раҳбари, коллежнинг аниқ ва табиий фанлар кафедраси мудири, техника фанлари номзоди, доцент Ғулом Жўраев. – Олимлар, мактаб ва коллежларнинг физика ва астрономия фанлари ўқитувчилари, талаба ва ўқувчилар, шу соҳа билан қизиққанлар миллий миниобсерваторияга келиб илмий тадқиқот ишларини олиб боришлари, малака оширишлари, турли тўгараклар ташкил қилишлари, жанубий ва шимолий секстантларда жойлаштирилган ва исталган бурчакка буриладиган астрономик жиҳозлар билан осмон сферасидаги ёритгичларни бобомиз Мирзо Улуғбек расадхонасидагидек, зинапоялар ёхуд қўзғалувчи электрон бошқарувга эга бўлган ускуналардан туриб кузатишлари мумкин. Бундан ташқари, лойиҳадаги миниобсерватория ичига сунъий ҳосил қилинадиган осмон сферасидаги юлдузлар туркумини, қуёшнинг йиллик ҳаракат траекторияси – эклиптика ҳосил қилувчи "планетарий" жиҳозлари, ернинг ўқи атрофида айланишини намойиш этувчи фуко маятниги ҳамда унинг кескин конуссимон шаклидаги турли тўсиқ билан маятникнинг оғиш бурчагини кўрсатувчи электрон рақамли 360 градусли шкала жойлаштирилади. "Планетарий" остки қисми, яъни биринчи қаватида турли хил анжуманлар ўтказиладиган тўртта зал, ўқув ва тўгаракка мўлжалланган махсус хоналар, томошабинлар учун дўкон ва тамаддихона бунёд этилади. Ушбу лойиҳага сарф этилган маблағни беш-олти йил ичида қоплаш имконияти мавжуд.



- Бунга ўхшаш иншоот ҳозирча дунёнинг олтита мамлакатида бор, - дейди лойиҳа муаллифи, коллежнинг учинчи босқич ўқувчиси, "Келажак овози" танловининг архитектура йўналиши бўйича вилоят босқичи ғолиби Гулибону Рўзимуродова. - Мустақил Ватанимиз – Ўзбекистон бу борада Осиёда ягона, дунё миқёсида еттинчи мамлакат бўлади. Иншоот баландлигини 60 ёки 100 метрга ҳам етказиш мумкин. У тўртта секстант, учта астрогал асосида барпо этилади. Конструкция жиҳатдан юқори астрогалга эса секстантларнинг юқори учлари, қуйи қисми таккурси (фундамент) билан бирлашиб кетадиган қуйи астрогалга туташтирилади.

Муаллифнинг эътироф этишича, лойиҳадаги иншоот томи устига ўрнатилган қуёш батареялари уни электр энергияси билан таъминлай олади. Бундан ташқари, иншоотнинг қуйи қисми – биринчи қавати ва юқори қисмида айланувчи ресторанлар томошабинлар хизматида бўлади. У, шубҳасиз, мустақил мамлакатимиздаги энг гавжум мемориал мажмуалардан бирига айланади. Уни хорижлик сайёҳлар ҳам қизиқиб томоша қилишади.

Лойиҳага мувофиқ миниобсерватория қуббасига Ўзбекистон байроғи, гардишига давлат герби, фуко маятниги тоши ер шари шаклида бўлиб, Ўзбекистон харитаси чизилади. Гулибону Рўзимуродованинг "Миллий обсерватория - "Астрон" лойиҳаси макети"-ни кўрган киши коллеж ўқувчисининг мустақил Ватанимиз – Ўзбекистонни жон қадар севиши, унинг номини дунёга танитиш истаги кучлилигини англаши қийин эмас. Ана шундай иқтидор соҳиблари – ёшларимизни кўриб чин дилдан суюнасан. Таълим соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар ўз меваси-ни бераётганидан кўнглинг юксалади.

Мукаррам ИБОДОВА

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

XX асрнинг сўнгги йилларида ихтирочи олим То Бернарс Ли томонидан халқаро ахборот тармоғи – Интернетнинг кашф қилиниши ахборот алмашинуви жараёнига ижобий таъсир кўрсатди. Дунёда аҳоли сони жиҳатидан биринчи ўринда турувчи ва жаҳонда кузатилаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироздан ўзини ўнглаб олган Хитой интернетдан фойдаланувчилар сони бўйича ҳам биринчиликни қўлида сақлаб турибди.

Чинда "ўргимчак тўри"

нафақат тижорат мақсадида, балки, инсон манфаати, шахсий фикрни ифода қилишда муносиб ҳисса қўшмоқда

Азимжон ПЎЛАТОВ

1980 йилларнинг ўрталарида хитойлик тадқиқотчи ва олимлар хорижлик мутахассислар ёрдамида интернет тизимини амалда қўллай бошлашди. Улар томонидан мамлакатдаги интернет тизимини халқаро тармоққа уланиш масаласи ўртага қўйилди. "Чайна Дейли" газетасининг ёзишича, Чин юрти ҳозир интернетдан фойдаланувчилар рўйхатида энг юқори ўринда. Бу мамлакатда нафақат болалар, катта ёшли одамлар ҳам "ўргимчак тўри"га тушиб қолаётганини англатади. Боз устига компьютер олдида соатлаб ўтириш саломатликка жиддий таъсир кўрсатаётир. Хитойнинг Тяньцзинь шаҳрида 16 ёшли ўсмир интернет-кафеда 11 кун қолиб кетган. Унинг ота-онаси ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан ушбу муассасалар фаолиятини тартибга солишни сўрашган.

Интеллектуал мулкни бежизга "Келажак калити" деб аташмайди. У инновацион интилишларга худди компьютер технологияси, дори-дармонлар, қишлоқ хўжалиги, мусиқа ва ноширлик фаолиятига ёндашгандек, турлича ёндашади. Лицензияланмаган дастур воситалари, мусиқа ва видео интернетдан бепул юклаб олинмоқда. Интеллектуал мулк нафақат тижорат мақсадида, қолаверса, инсон манфаати, шахсий фикрни ифода қилишда танлов эркинлиги ва ҳаёт кечиришимизга ҳисса қўшмоқда.

Тан олиш керак, мамлакат интернет инфратузилмаси қурилиши учун катта миқдорда маблағ сарфлаган. 1997-2009 йилларда ушбу мақсадлар учун 4,3 триллион юань миқдорида маблағ ажратилди. Унга кўра, мамлакатда узунлиги 8,267 миллион километрни ташкил этувчи оптик шиша толали коммуникация кабели ётқизилди. Интернет инфратузилмасини қуриш ва такомиллаштириш, унинг оммалашуви ва мижозлари сони ортишига туртки бўлди. 2009 йилнинг охирларига келиб, Хитойда интернетдан фойдаланувчилар сони 384 миллион нафарга етди. Бу 1997 йилга нисбатан 619 баравар кўпдир. Бундан ташқари, ички сайтлар сони 3,23 миллионга етган, мобиль телефони орқали интернет билан боғланувчилар сафи эса 233 миллион кишини ташкил этади.

Интернет Хитой иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Олиб борилган илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатдаги тижорий фаолият асосида электрон тизимдан фойдаланаётган йирик корхоналар сони 50 фоизга ошган. Бундан ташқари, кичик ва ўрта корхоналарда ҳам интернет орқали ўз маҳсулотларини реклама қилиш, маркетинг ишларини олиб бориш кенг йўлга қўйилган. 2009 йилда айнан интернет орқали тижорат ишларини амалга ошириш ҳажми 3,6 триллион юанга ошган. Сўнгги беш йил ичида интернетда Хитой бозорини реклама қилиш 30 фоизга ошиб, ушбу савдодан 20 миллиард юань миқдорида фойда кўрилган. Яна бир маълумот: жорий йилнинг март ойига келиб, Хитойдаги 30 дан ортиқ корхоналар айнан интернет орқали АҚШ биржаларига ўз акцияларини сотувга қўйган. Статистик маълумотларга қараганда, мамлакатда яшовчи аҳолининг 35 миллионга яқини қимматбаҳо қоғозлар савдосини Интернет орқали амалга ошираётир, яна 15 миллион нафари тармоқ орқали ўзига муносиб иш қидирмоқда.

Бундан ташқари, кўпчилик ўз билимларини бойитиш учун интернет орқали керакли маълумотларга эга бўлмоқда. Электрон тижорат тизимини ривожлантириш ҳам иқтисодий таназзул билан боғлиқдир. 1999 йилда жанубий-шарқий Осиёда молиявий бўҳрон бошланганидан сўнг Хитойда он-лайн орқали савдо-сотиқ йўлга қўйилди. 2009 йилда глобал молиявий-иқтисодий инқироз авжига чиққан пайтда жаҳон иқтисодиёти издан чиқа бошлаганида ҳам бу мамлакатда электрон савдо янада ривожланди. Ҳозир бу ерда юз миллиондан ортиқ фуқаро интернетда савдо қилиш ҳадисини олган бўлиб, уларнинг аксарияти хусусий тадбиркорликка ўз ҳаётини бахшида этган ёшлар саналади.

Дарҳақиқат, Хитойда нега айнан 1999 йилда электрон тижорат савдо йўлига ўтилди, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Ахборот технологияси бўйича таниқли мутахассис Син Хайгуан бу масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилар экан, мазкур ҳолатни, биринчидан, ўша даврда интернет технологияси жадал ривожланиши электрон-савдо пойдеворини қуришда ўз таъсирини кўрсатди, иккинчидан, қатор порталларнинг тўхтовсиз тараққий этиши, учинчидан, айни ўша дамларда бутун дунёда электрон савдонинг оёққа тураётганлиги билан изоҳлайди.

1999 йил 1 майда очилган "8848" веб-сайти биринчи электрон усулда савдо-сотиқ ишларини бошлади, 2000 йилнинг июнида Хитой электрон савдо уюшмасига асос солинди. Ўтган йили Хитой давлат интернет телевидениеси аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Энди видеофильм маҳсулотларини назоратсиз нусха кўчирилишига чек қўйилди. Қолаверса, у лицензиялаштирилган телекўрсатув тарқатиш хизматига айланди. Хитой давлат радиоэшиттириш, кинематография ва телевидение ишлар бошқармаси қонунга хилоф равишда иш тутган 500 дан ортиқ сайтларни ёпишга кўрсатма берди. Улар муаллифлик ҳуқуқларини бузганлик ва ноқонуний фаолият юритганликда айбланди. Ўтган йилнинг 17 апрелида Швеция суди Хитойдаги интернет сайтларига алоқадор Бит Торрент компанияси мутасаддилари Фредерик Неци, Готфрид Свартхольм, Петер Сунде ва Карл Лундстреумни ноқонуний иш юритганликда айблаб, уларни бир йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ва 3,6 миллион АҚШ доллари миқдорида жарима ундириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Ҳукумат аҳолининг яшаш шароити билан яқиндан танишиш мақсадида ҳам турли сайтларга кириб, керакли маълумотларга эга бўлаётир. Ҳатто, улар тўғридан-тўғри мижозлар билан боғланиб, жамоатчилик фикрини билишга ошиқмоқда. Ҳукумат 1994 йилдан бошлаб интернет тармоғи устидан назорат ўрнатишни йўлга қўйди. Бу албатта, вояга етмаганларнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Боиси, мижозларнинг аксариятини ўсмирёшлар ташкил этади.

Хитой ва бошқа мамлакатларда хаккер ҳужуми, тармоққа вирус тарқатиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатларга қарши кураш таҳдиди ҳамон йўқолгани йўқ. Ўтган йили Хитойдаги компьютерлар манзилига 42 мингдан ортиқ ҳужумлар уюштирилган. Бу ҳар ойда дунёдаги жами компьютерлар зарарланишининг 30 фоизини ташкил этади. Чунки, ҳар ойда 18 миллионга яқин вируслар тарқатилади. Хитой 2009 йилда АСЕАН ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан телекоммуникация бошқаруви ва улар устидан назорат ўрнатиш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатни имзолаган. Бундан ташқари, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия ва бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш борасида келишувга эришилган. Хитой томони интернет соҳасида алоқаларни кенгайтириш учун Осиё, Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Африканинг қирқдан ортиқ мамлакатларига ўнлаб делегацияларнинг ташрифини уюштирди. БМТ билан ҳам бутунжаҳон интернет тармоғини назорат қилиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

РАНГИН ДУНЁ

Бугун илм-фан оламида янгилик ва илмий кашфиётлар шунчалар кўпки, ҳатто ақл бовар қилмас илмий мўъжизалар ҳам биз учун оддий ҳолга айланиб қолди. Ваҳоланки, ўша оддий туюлган кашфиётлар тарихига назар солинса, улар не-не машаққатлар эвазига яратилганини англаш мумкин. Аммо, хатолар эвазига, яъни бошқа ихтиролар жараёнида тасодифан яратилган кашфиётлар ҳам бугун инсон ҳаётида муҳим роль ўйнаётгани сир эмас. Масалан, ҳаммамизга маълум кашфиёт Американинг очилишини олайлик. Аслида Христофор Колумб Осиё томон денгиз саёҳатига чиққан, лекин ўзи билмаган ҳолда Американи кашф қилиб қўяди. Санайверсак, шунга ўхшаш кашфиёту ихтироларнинг адоғига етиш қийин. Бироқ, биз бугун уларнинг айримлари ҳақида тўхталишни жоиз топдик.

ТАСОДИФИЙ КАШФИЁТЛАР

ёхуд хатолар эвазига яратилган ихтиролар

Тўлқинли печь

Таниқли тадқиқотчи Перси Спенсер ҳаёти давомида 120 дан ортиқ ихтиро қилган. У 1945 йили Raytheon йирик халқаро ҳарбий ишлаб чиқариш комплексининг ходими бўлиб ишлаётган чоғида радарлар сифатини яхшилаш борасида тадқиқот ўтказаётган эди. Навбатдаги синовларнинг бирида қурилма ёнида турган Спенсер чўнтагидаги шоколад бир неча сония оралиғида эриб кетганини пайқайди. Бу ҳолат унга бир зумда маҳсулотларни исита оладиган қурилма яратиш мумкинлигини исботлаб беради. Шундан сўнг Перси қатор тадқиқотлар натижасида дунёдаги энг биринчи тўлқинли печни ихтиро қилади. Ўшанда бу тўлқинли печнинг вазни 400 кг. бўлиб, аввалига ундан кемада, самолёт ва ресторанларда фойдаланилган.

Эслатма учун елимли қоғоз (post-it notes)



Маълумотларга қараганда, елимнинг мустаҳкамлигини текшириш жараёнидаги омадсиз тажриба натижасида ёпишқоқ қоғоз ихтиро қилинган экан. 1968 йили 3М компаниясининг тадқиқотлар лабораторияси ходими елимли тасма (скоч)нинг сифатини ошириш мақсадида тажриба ўтказади. Аммо, бу тажриба яхши натижа бермайди. Унинг тадқиқоти эвазига яроқсиз елим ихтиро қилинади. Орадан тўрт йил ўтиб, мана шу ходимнинг бўш вақтида черков куйчиси бўлиб ишлайдиган ҳамхонаси қоғозларининг доимо сочилиб кетишидан нолиб қолади. Шунда, у бир пайтлар ихтиро қилинган яроқсиз елимни нимага ишлатиш кераклигини тушуниб, ундан ёпишқоқ қоғозни кашф қилади.

Резина

1844 йили тадқиқотчи Чарльз Гудийр тасодифан сифатли резина олиш таркибини кашф қилади. У ихтиро қилган резина совуқда синмайдиган, иссиқда эримайдиган мустаҳкам хусусиятга эга бўлган. Бу янги технология «вулканизация» номини олади. Гудийр ўша даврдаги жуда қўпол ва ноқулай материалнинг сифатини яхшилайман деб йиллар давомида тадқиқот ўтказган. Бир куни у таваккалига каучук ва олтингугурт қоришмасини ошхона печида қиздириб кўради, мана шунда сифатли резина ҳосил қилиш мумкинлигига амин бўлади. Гудийрнинг бу кашфиёти замонавий автомобиль ихтиросида катта аҳамият касб этган. Шунингдек, сифатли резина яратишдаги бу жараён кейинчалик электр ишлаб чиқариш соҳасини яна ҳам илгарилаб кетишига катта туртки бўлади.

Кардиостимулятор

Ҳаммамизга маълумки, бугунги кунда кардиостимулятор миллиондан ортиқ юраги хаста кишиларнинг ҳаётини сақлаб келмоқда. Ваҳоланки, унинг кашф қилиниши ҳақиқатан ҳам тасодиф бўлган. 1941 йили муҳандис Жон Хоппс ҳарбий денгиз флоти буюртмасига биноан гипотермияга оид тадқиқот ўтказиши лозим эди. Унинг олдидаги асосий вазифа кўп муддат совуқ сувда ёки музда қолган одамни максимал даражада тез иситиш чорасини ўйлаб топиш бўлган. Хоппс бу ҳолатда инсонни қиздириш учун юқори частотали радионурланишдан фойдаланишни афзал кўради. Шунда бехосдан, совуқ уриб ҳаракатдан тўхтаган юракни электр импульс ёрдамида қўзғатиш орқали юракка қайта жон бағишлашга эришиш мумкинлигини пайқаб қолади. Мана шундан сўнг 1950 йилда Хоппснинг кашфиёти асосида биринчи кардиостимулятор яратилган. Тўғри, ўша даврдаги энг биринчи кардиостимуляторнинг камчиликлари кўп эди. Масалан, у кўринишидан ниҳоятда қўпол бўлиши билан бирга, бемор танасида куйиш жароҳатларини ҳам қолдирган.

Бу борадаги иккинчи бор тасодифий ихтиро шифокор Уилсон Грейтбатчга тегишли. У бир неча йил давомида юрак ритмини ёзиб оладиган қурилма яратиш устида тадқиқот ўтказган. Навбатдаги тажрибаларнинг бирида Уилсон қурилмага мос келмайдиган резисторни улаб қўяди. Шунда тўсатдан электр занжирда инсон юрак ритмига ўхшаш қандайдир тебраниш ҳосил бўлганини пайқайди. Ва юракка сунъий таъсир қилиш мумкинлигини ўйлаб қолади. Орадан икки йил ўтиб Грейтбатч дунёдаги энг биринчи инсон ҳаётини сақлаб қоладиган, юрак уриши учун сунъий импульс узатувчи кардиостимуляторни яратади.

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
«Milliy tiklanish» мухбири

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Ер остида

Чилидаги ер ости конида қамалиб қолган 33 нафар кончиларга кичик диаметрли труба орқали махсус ютиладиган дориларнинг эрувчан ғилофи – капсулалар етказилди, уларнинг яна иккитаси яқин кунлар ичида жўнатилиши лозим.

Хабарларга қараганда, кислород баллонлари жойлаштирилган капсулалар кончиларга юқорига кўтарилишга ёрдам беради. Мутахассисларнинг фикрича, бир кишини 700 метрли чуқурликдан олиб чиқиш учун 20-30 дақиқа вақт сарфланади. Тахминларга кўра, қутқарув ишлари октябрь ўрталарида бошланади. Эслатиб ўтамиз, Чилида 17 кундан кейин, яъни шу йилнинг 23 август куни кончиларнинг тириклиги аниқланган. Ишчиларнинг яқинлари шу ернинг ўзида чодирлар ўрнатиб, 24 соат навбатчилик қилишмоқда.

Нархлар ошишига сабаб...

Дунё бўйлаб озиқ-овқат нархлари яна ошган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги идорасининг кўрсаткичлари 50 хил озиқ-овқатни назарда тутади. Бугун ана шу таснифга кирувчи ун, ёғ, шакарнинг нархи ўтган икки йил ичида бирмунча ошган. Хусусан, ўтган икки ойнинг ўзида озиқ-овқат нархлари бутун дунё бўйлаб беш фоизга кўтарилган. Россияда буғдой ҳосилининг яхши бўлмагани ва мазкур маҳсулот экспортига қўйилган чекловлар халқаро бозорда буғдой нархини кўтариб юборган. Боз устига Покистон ва Хитойдаги сув тошқинлари ҳам жаҳон буғдой бозоридаги нархларга кескин таъсир қилган.

"Денгиз овчилари" ҳужуми

Қароқчилар юк кемасини қўлга олишди.

Россиянинг "Новости" агентлиги хабарича, темир юкларни Мисрдан Маврикийга олиб кетаётган "Lugela" кемаси Сомали шарқида қароқчиларнинг ҳужумига учраган. Кема бортидаги 12 нафар денгизчилар Украина фуқаролари саналади. Ҳозир қароқчилар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Вулқон уйғонди

Индонезияда вулқон уйғонгани туфайли аҳоли кўчирилган.

Индонезиянинг Суматра оролидаги Синабунг вулқони 400 йилдан кейин яна уйғониб, атмосферага кул ва тутун тарқатмоқда, минтақадаги маҳаллий ҳаво парвозлари тўхтатилган. Тахминан 1600 йиллардан буён илк марта кўтарилган Синабунг вулқони шу пайтгача «уйқуда» бўлган. Расмийларнинг хабарича, Синабунг вулқонининг олти километрлик радиусида истиқомат қиладиган қарийб 20 минг аҳоли вақтинчалик бошқа жойга кўчирилган. Индонезия Ер сайёраси қитъалари кесишган жойда жойлашганлиги учун ҳам мамлакатга тегишли ороллар сейсмик фаол ҳисобланади ҳамда тез-тез вулқонлар отилиб туради.

180 тонна гўшт

АҚШнинг гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Zemco Industries» компанияси 180 тонна маҳсулотни сотувдан қайтариб олмоқчи.

Боиси уларда листериоз касаллигини қўзғатувчи Listeria monocytogenes вируси борлиги аниқланган. Бу вирус билан заҳарланган кишининг ҳарорати кўтарилади, кўнгли айниб, боши оғрийди. Айрим ҳолларда листериоз фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

ФОНД ФОРУМ ХАБАРЛАРИ

«Поль Надар, Туркиядан Туркистонгача, 1890» фотокўргазмаси

Яқинда Тошкент Фото уйида франциялик суратқаш Поль Надарнинг "Туркиядан Туркистонгача, 1890" кўргазмаси очилди. Виктор Гюго номидаги француз маданият маркази, Фонд Форум ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмада суратқашнинг 1890 йили Кавказ ва Марказий Осиё бўйлаб қилган сафари чоғидаги репортаж суратлари экспозицияга қўйилган. Ушбу фотоларнинг Франция маданият вазирлиги фотоархивларида сақланиб қолган қадимий фотонегативлари замонавий технологиялар асосида босиб чиқарилган.

Поль Надар 1856 йили Парижда таниқли суратқаш, "Надар" лақабли Гаспар-Феликс Турнашон оиласида туғилган. У 1890 йилда Париждан Тошкентда бўлиб ўтадиган Бутунжаҳон кўргазмасига йўл олади. Поль Надар 1890 йилнинг 18 августида Париждан кетгач, Истанбулга поездда етиб келади. Қора денгиздан ўтиб, Батумида кемага ўтиргач, Кавказни Тбилиси ҳамда Баку шаҳарлари орқали кесиб ўтиб, Туркистон ҳудудидаги ҳозирги Туркманистон ва Ўзбекистонга келади. У икки ой давомида минтақани Транскаспий магистрали бўйича аввал поездда, сўнгра отда сайр этиб, у ердан кундалик ҳаёт, ёдгорликлар, табиат манзаралари, темирйўл қурилиши ва бошқа портретларни акс эттирувчи 1200 га яқин суратлар негативини олиб кетади.

Поль Надарнинг бу суратлари фотография тарихидаги илк энг йирик фоторепортаж ҳисобланади. Унинг асарлари савия жиҳатидан ҳам жуда юқори ҳисобланади. Ушбу фотоларнинг ҳужжатли, тарихий ва этнографик жиҳатлари алоҳида бадиий аҳамият касб этади. Кўргазма 2010 йилнинг 6 октябригача давом этади.

«Ўзбекистонда Германия кунлари» давом этади

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Гёте Институти, Фонд Форум ва бошқа қатор ҳамкорлар 7 сентябрь куни Тошкентда очилган "Бу ерда немис тилида сўзлашадилар" интерактив кўргазмаси ва 17 сентябрь куни ўтказилган "Шарқ ва Гендель" концерт дастури билан бошланган кенг қамровли "Ўзбекистонда Германия кунлари" лойиҳаси доирасида ўзбекистонликларни немис маданияти, санъати, маориф ва фани билан таништириш жорий йилнинг декабригача давом этади.

Қўғирчоқлар ёрдамида тил ўрганиш

Гёте институти ўзгача услубдаги малака оширишга таклиф қилади: жорий йилнинг 22 ва 29 сентябрь кунлари Тошкент ва Термизда мутахассис Олаф Мюллер бошчилигида ўтадиган тадбирда таълим жараёнида қўғирчоқлардан фойдаланишнинг афзалликлари кўрсатиб берилади. Иштирокчилар жонли қўғирчоқ театри билан яқиндан танишиб, қўғирчоқлар билан ишлашда ўзларига ишонч орттирадилар ҳамда немис тили дарсида турли қўғирчоқлардан фойдаланиш борасида бир қатор ижодий ғоялар оладилар. Олаф Мюллер курс иштирокчилари билан биргаликда кичик саҳна кўринишлари яратишни ҳам режалаштирган. Тадбир "Ёшлар ижоди саройи" ва Гёте институтида бўлиб ўтади.

Футбол бирлаштиради

Самарқанддаги Олимпия захиралари маркази стадионида икки кун давом этадиган футбол турнирида Германиянинг Ўзбекистондаги ҳамкор мактаблари ўқувчилари, Тошкент ва Самарқанд университетларининг немис тилини ўрганувчи талабалари ҳамда немислардан иборат жамоалар спорт йўналишидаги немис-ўзбек учрашувларини хушкайфиятлик билан ўтказадилар. Ўзбекистоннинг саккизта шаҳридан келадиган 22 та жамоа Самарқанддаги финал босқичида кубок учун футбол майдонига тушадилар. Германия элчихонаси, Хорижда мактаб масалалари бўйича Германия марказий бошқармаси (ZfA), Роберт Бош жамғармаси ва Гёте институти Тошкент томонидан биргаликда ташкиллаштириладиган ушбу турнир октябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилмоқда.

«Марказий Осиёдаги археологик тадқиқотлар»

Германия элчихонаси томонидан ташкиллаштириладиган мазкур кўчма кўргазма доирасида Германия Археология институтининг Марказий Осиёдаги энг муҳим археологик қазилма ишлари 50 та плакат ёрдамида намойиш этилади. Ушбу кенг кўламли кўргазма меҳмонлари Германия Археология институти томонидан Бандихон (Сурхондарё), Жарқўтон ва Қўрғонзолда ўтказилган қазилма ишлари ҳақида қизиқарли маълумотларни олишлари мумкин. Бу қазилма ишлари Юнон-Бақтрия ҳамда Кушон хонликларининг юзага келишини тадқиқ қилишни мақсад қилган. Алоҳида тадқиқот лойиҳалари ҳақидаги қўшимча маълумотларни ўз ичига олган қўлланма кўргазма доирасида тақдим этилади. Бундан ташқари, Германия Археология институти мутахассисларининг ушбу кўргазмаларда ўз маърузалари билан чиқишлари ҳам режалаштирилган. Кўргазма Бухоро, Термиз ва Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтади.

«Иқлим ва санъат» — виде-оарт

Гёте институти Тошкентда видео-арт бўйича номдор ижодкорлар ҳисобланадиган Ян Вербек ва Аки Наказаванинг маҳорат дарсларига таклиф этади. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистонлик 12 нафар ижодкор кундалик ҳаётда бизни қамраб олган мавзуларга турли хил ёндашувни намойиш этишади. Камералар объективлари атроф-муҳит ва сув, уларнинг гўзаллиги, моҳияти ва уларга нисбатан бизнинг бугунги ва эртанги муносабатимизга қаратилади. Семинардан сўнг ижодкорлар ўзларининг ижод наъмуналарини видео-арт услубидаги қизиқарли кўргазмаларда намойиш этишади.

«Арне Янсен» триоси ва «Суғдиёна» оркестрининг концерт сафари

Гёте институти жорий йилнинг декабрида Тошкентда икки таниқли гуруҳ - «Арне Янсен» триоси ва «Суғдиёна» халқ чолғулари оркестрининг ўзига хос учрашувига таклиф этади. «Арне Янсен» триоси ва «Сўғдиёна» оркестри бир ҳафталик ўзаро тайёргарлик натижаларини Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида ўтадиган немис-ўзбек концертида намойиш этадилар.

КЎЗГУ

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Инсон маънавиятини шакллантирувчи асосий мезон сифатида санъат, адабиёт, фольклор сингари воситалар доимо бирламчи омил ҳисобланиб келган. Шулар қатори одамлар қалбида илк маънавият дебочасини очган, ахлоқий тарбия воситаси бўлган аллани алоҳида тилга олиш ўринли.

Алла самарали тарбия воситаси

Алла – ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг қадимий намуналари сирасига кирувчи нодир қадриятларимиздан бири саналади. Уни инсон руҳиятига таъсир этувчи энг самарали тарбия воситаси сифатида ҳам эътироф этиш мумкин. Зеро, алла замирида инсонни комилликка, эзгуликка етакловчи руҳий куч, қалбда ижобий хусусиятларни шакллантиришга қаратилган мақсад - муддао ётади. Асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган алла ўзининг жозибаси, мазмун-моҳияти, оҳанрабоси билан бошқа халқ қўшиқларидан ажралиб туради. Бу мумтоз қўшиқда меҳрибон онанинг фарзандига айтган насиҳатлари, розлари, унинг камолини сўраган илтижолари, тилаклари мужассамдир.

Алла бола учун биологик жиҳатдан ҳам муҳим восита ҳисобланади. Уни тинглаган бола тез уйқуга кетиб, тинч ором олади. Бу эса боланинг жисмоний шаклланиши ва асаб тўқималарининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Алла ўзининг мусиқийлиги, ажиб оҳанги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қўшиқ мусиқасининг бир ритмда давом этиб, вазмин, сокин овозда ижро этилиши фарзандда ҳам шундай хусусиятлар ва характернинг шаклланишига, иродали, қаноатли, сабр-бардошли, оғир ва вазмин инсон бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Бу мумтоз қўшиқ матнидан ўрин олган турли хил ўхшатишлар, фарзандга айтилган тилаклар бола қалбида шу образларга хос сифатларни пайдо қилиб, мард, жасур, эзгу ниятли инсон бўлиб улғайишида катта роль ўйнайди.

Жумладан:

Қушдай шунқор келбатим,
Улуғ шоҳдай савлатим,
Алла, болам, алла-ё,
Жоним болам, алла-ё.

Қўли арслон билаклим,
Ботир, қоплон юраклим,
Яхши-ёмон кунимда
Менга жуда кераклим
Алла, болам, алла-ё,
Жоним болам, алла-ё

* * *

Булбул сайрар чаманда, алла-ё алла,
Шу бағри кенг Ватанда, алла-ё алла,
Уни асло чўчитманг, алла-ё алла,
Сайрасин шу чаманда, алла-ё алла.

Аллада она фарзандига бешиклигидаёқ болалар тарбияси учун ниҳоятда муҳим бўлган ўгит-насиҳат ва ўтли даъватлар қилмоқда. Онанинг осмон янглиғ бепоён орзулари, фарзанди ҳақидаги эзгу ниятлари бола руҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, бола қалбида ўзига нисбатан юксак ишонч, ватанпарварлик, жасурлик, қаҳрамонлик каби олий туйғулар уйғонади.

Халқ оғзаки ижодининг энг қадимий намуналаридан бири ҳисобланган алла фарзандларимиз қалбида энг соф, покиза туйғулар, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурларни шакллантирувчи, уларнинг дунёқарашини белгилайдиган, яхшилик ва эзгулик, олижаноблик, меҳр-оқибат каби муқаддас тушунчаларни қарор топтирадиган, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий қадриятларимизни шакллантирадиган маънавий тарбия воситаси сифатида ўз аҳамиятини яна асрлар оша йўқотмаслиги шубҳасиз.

Малика РЎЗИЕВА

ТАНЛОВ

Мазкур танлов Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон давлат санъат институти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ўтказилди.

Ёшлар ижодида — буюклар сиймоси

Тошкентда "Буюк аждодларимиз сиймоси" мавзусида суратлар танлови ташкил этилди

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу танловда юртимиз олий ўқув юртларида таҳсил олаётган икки юзга яқин талаба буюк аждодларимизнинг портрети, ҳаёти ва ижоди акс эттирилган ижодий ишлари билан қатнашишди.

Мамлакатимизда миллий санъат ривожига қаратилаётган доимий эътибор ёшлар истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маънавиятни юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Юртимизда барпо этилаётган замонавий ўқув масканлари, кўргазма заллари, галереялар, бадиий ижодиёт марказлари санъатнинг барча турларини кенг ривожлантириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш ва навқирон авлодни санъатнинг нодир намуналари билан яқиндан таништириш имконини бермоқда.

Буюк аждодларимиз сиймосини яратиш нафақат ёш мусаввирлардан, балки етук рассомлардан ҳам изланиш ва катта масъулият талаб қилади. Бунда аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросни чуқур ўрганиш, улар ҳақидаги билимни янада бойитиш муҳим аҳамиятга эга.

Танлов натижаларига кўра, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси Камола Мирҳодиеванинг Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижодига бағишланган расмлари биринчи ўринга лойиқ топилди.

"Туркистон-пресс"

ЎГИТ

Ҳар қандай пастқам ердан ҳам осмонга кўтарилиш мумкин.

* * *

Ҳеч бир нарса ўз-ўзидан иллатга айланмайди.

БИЛАСИЗМИ?

2010 йил Шотландияда "Егулик ва ичимликлар йили" деб эълон қилинган. Шу боис, шотландияликлар йил давомида ўзининг миллий ошхонаси ва ичимликларини бутун дунёга кўз-кўз қилиши кутилмоқда.

* * *

Австралияда ўтказилган халқаро автокўргазма чоғида асли арабистонлик бўлган ака-ука Муҳаммад ва Бакр Иброҳимларнинг тилла автоси кўпчиликнинг эътиборини тортган. Айтишларича, автомобилнинг мотори ва корпусининг айрим деталлари 23 каратли соф тилла билан қопланган экан.

ТУРФА ОЛАМ

Антиқа велосипед

Жанубий Кореялик дизайнерлар катта шаҳарлар аҳли учун ҳар томонлама қулай антиқа велосипед яратишди.



Манбада келтирилишича, бундай велосипед ҳақиқатан ҳам шаҳарликларнинг узоғини яқин қила оларкан. Full Circle велосипедининг қулайлиги шундаки, у худди йиғма аравача каби букланиш хусусиятига эга. Шу боис, иш жойи уйидан анча узоқда бўлган инсонлар велосипедни ихчам ҳолга келтириб, метро ва автобусларга бемалол чиқиб кетаверишлари мумкин. Дизайнерларнинг таъкидлашича, ушбу велосипедни яратишдан ягона мақсад шаҳарликлар учун яна бир қулайлик яратиш. Маълумки, ишдан кейин кимдир уйига, яна кимдир дўкон ёки спорт мажмуаси томон шошилади. Бундай пайтда оддий велосипед ҳам кўзингга сўнгги русумдаги авто бўлиб кўриниши шубҳасиз. Бироқ, йўллардаги "тиқин"лардан манаман деган автомобиль ҳам осонгина ўтолмаслиги тайин. Антиқа велосипедга эса бу иш чўт эмас.

Амазонияда маданият бўлганми?

Флорида университети олими Аугусто Ойюэла-Кайседо ўз топилмаси билан Амазонияда европаликлардан илгари ҳам маданият бўлганини тасдиқлади.



Археологнинг фикрича, бу ерларда ўз маданиятига эга 20 млн.га яқин аҳоли яшаган. Хусусан, Перунинг шимоли-шарқида, Икитос шаҳри яқинида топилган сопол ва қора тупроқ қолдиқлари чиндан ҳам Амазонияда Колумб даврига қадар маданият бўлганини тасдиқлайди. Қолаверса, Амазонияда цивилизация белгилари зироатчиликда ҳам кўзга ташланади. Маҳаллий ҳиндулар ўз даврида жуда кўп мевали дарахтлар етиштиришган бўлиб, уларни парваришлашда асосан табиий ўғитлардан фойдаланиб келишган экан. Қолаверса, Боливия ва Бразилия ҳудудидан топилган бир неча тоннага яқин тош ва шағал, тўғонлар, чала қолиб кетган пойдеворлар, сифатли сопол буюмлари Амазонияда маданият азалдан мавжуд бўлганини яна бир карра исботлаб берган. Олимларнинг хулосасига кўра, бутун бошли цивилизация вакиллари Европадан кириб келган юқумли касалликларга чалиниш натижасида буткул қирилиб кетган экан.

Қаламли принтер

P&P Office Waste Paper Processor принтери сиёҳли картридж ёрдамида эмас, балки оддий қора қалам билан ишлайди.

Янги принтер фойдаланиш учун жуда қулай бўлиб, унинг "сиёҳи" ҳеч қачон тугамайди. Тўғрироғи, ушбу принтер оддий қалам ёрдамида ишлайверади. Фақат вақти-вақти билан қаламларни янгисига алмаштириб, махсус тешикчага суқиб қўйилса бўлгани. Принтер ўз ишини қилаверади. Ҳатто, қаламнинг учини очиб туриш ҳам талаб этилмайди. Ундаги махсус тешикнинг ўзида қалам очгич бор. Муаллифларнинг гапига қараганда, қалам заррачалари ва мураккаб елим бир-бирига аралашгач, ўзига хос сиёҳ ҳосил бўлади. Шу боис, бундай принтердан чиққан ҳар қандай матн сиёҳли принтер чиқариб берган матндан умуман қолишмас экан.

Зафар МУҲАММАД тайёрлади

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

e-mail: milliyt@sarkor.uz

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 823, Адади — 2698

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-69-55, 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41
ФАКС: 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Беҳбуд БОТИРОВ
Навбатчи: Камолиддин ҲОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.40.

1 2 3 5